941193

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 18 ноябрь, пайшанба № 218—219 (21.570). Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ


Нидерландия Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стейнвейк 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари Нидерландлар Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги биринчи элчиси этиб тайинланганидан мамнун эканини изҳор этди. Ўзбекистон раҳбарига мамлакати қироличаси Беатриксхонимнинг самимий саломини етказди. Ислом Каримовнинг Нидерландияга сафари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стейнвейкни шарафли ва масъулиятли вазифа билан қутлаб, элчининг Ўзбекистон ва Нидерландия ўртасидаги дўстона алоқалар ривожига ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

* * *

Шу куни Тунис Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган жаноб Тнани Рида ҳам мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиғини топширди.



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов элчи Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стейнвейкни қабул қилаётган пайт. Р. ЖЎМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Тнани Рида мамлакатининг серқуёш Ўзбекистон Республикасидаги элчиси этиб тайинланганини буюк шараф деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлади. Ўз фаолияти Тунис ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилишини айтди.

Президент Ислом Каримов элчининг ишонч ёрлиғини қабул қилар экан, Ўзбекистон ва Тунис Республикалари муносабатларида янги саҳифалар очилаётгани ҳар икки мамлакат халқи учун қувончли воқеа эканини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари Тнани Рида жаноблариии масъулиятли вазифа билан табриклаб, унинг фаолиятига муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Буюк Британия Бош вазири жаноб Ж. Мейжорнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккала давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада тараққий эттириш доирасида шу йил 22—25 ноябрь кунлари Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигига амалий ташриф билан боради.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 ноябрь куни умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бюроси директори жаноб Асваллни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, хусусан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, хавфли касалликларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди. Мазкур мўътабар ташкилотнинг бу борадаги ҳар томонлама кўмаги мақсадга мувофиқ экани алоҳида таъкидланди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов иштирок этди.

Маросимда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЭЛЧИ ЖАНОБЛАРИ!

15 ноябрь Ўзбекистоннинг мустақиллик, хусусан, иқтисодий мустақиллик йўлида муҳим, масъулиятли қадам ташлаган куни сифатида тарихга киради...

...Биз рубль маконида қолишга жуда кўп ҳаракат қилдик. Ўзбекистон бозорига Россия пулининг оқиб келиши бошланганидан бери, аввал Қирғизистон, кейин Туркманистон ўз миллий пулини жорий қилганидан сўнг бу жараён кучайгандан кучайиб борса-да, чидадик. Иқтисодий алоқаларни узиб бўлмаслигини яхши англаганимиз туфайли чидадик...

Тўғрисини айтсам, мен ҳам кўпчилик қатори, нега шу пайтгача ўз пулимизга ўтмаётганимизнинг сабабини тушунмасдим. Иқтисодий жиҳатдан заифроқ республикалар ўтяпти-ку, нега биз ўтмаймиз, деб ҳайрон бўлардим. Президентимиз ёзда, Олий Кенгаш сессиясида шу масала тўғрисида алоҳида маъруза қилганидан кейин, иқтисодиётдан унчалик хабардор бўлмаган мендай одам ҳам тушундимки, миллий пулни жорий этиш — пул босиб чиқаришдангина иборат эмас, унинг сизу биз билмайдиган минглаб муаммолари бор экан.

Орада нималар бўлмади. Россия билан музокаралар олиб борилди. Россия Президенти Ельцин рубль маконини сақлаб қолиш хусусида Каримов ва Назарбоев билан, кейин бошқа мамлакатлар раҳбарлари билан шартномаларга имзо чекди. Июль ойида 1993 йилги пул жорий қилинганидан кейин сизларни ҳам бу пул билан таъминлаймиз, деб ваъда берди... Бироқ, охир-оқибатда нима бўлганини бугун ҳамма кўриб турибди.

«Камтар доҳий»миз Брежнев ўнгу сўлдаги ордену мукофотларни олиб кўксига ёпиштиришга одатланганидек, Ельцин ҳам дуч келган жойга имзо чекиб кетаверишни канда қилмас, Президентнинг ҳар бир сўзи, ҳар имзоси қочун даражасида бўлиб, унга барча, биринчи галда Президентнинг ўзи риоя этиши лозимлиги тўғрисида ўйлаб ўтирмас экан чоғи.

Майли, Россия нима қилади, қайси йўлдан боради, қандай яшайди — ўзи билади. Бу гаплар катта бир мамлакат раҳбариятининг бебурдлигиданми, ишонган қўшниларини лақиллатиш истагиданми, ҳар ҳолда ўз рутбасига ярашмайдиган хатти-ҳаракатига муносабат сифатида айтилди, холос...

Хуллас, нима бўлса ҳам, ўз пулимизга, ўзбек сўмига ўтамиз. Президент таъкидлаганидек, бу йўлда қийинчиликлар бўлиши мумкин, аммо — «Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда!».

Ўзбекистон барча соҳада бўлгани каби, миллий валютани жорий этишда ҳам ўз йўлини танлади. Яъни, бошқа давлатлар сингари, ўз пулининг қийматини мажбурий тарзда белгилаб, рублни бирдан сўмга айирбош қилиш йўлидан бормади. Бунинг афзалликлари нимадан иборат? Юқорида айтилганидай, камина иқтисодиёт бобида алифни калтак дейдиганлардан бўлсамда, телевидение орқали берилган шарҳлардан олган билимим билан ўртоқлашмоқчиман.

Аввало, бирдан сўм ўзи эмас, олдин сўм-купон жорий қилингани ҳақида. Бошқа республикалар тажрибасидан кўриб турибмизки, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бугунги беқарорлик даврида бирданига қатъий қиймат юкланган пулни жорий этиш — иқтисодий саводсизликка ўхшаб кетаркан. Шунинг учун, разведка деймизми, миллий пулимизнинг ишонч билан кириб келишига майдон ва шароит ҳозирлаш деймизми, ишқилиб маълум даврда сўм-купонни ишлатиб туриш мақсадга мувофиқлиги ҳаммага аён ва маъқул бўлди.

Сўм-купонимизнинг рубль билан баравар юриши сабабини Президентимиз яхшилаб тушунтириб берди: бу— биринчидан, нарх-навонинг бирдан осмонлаб кетишининг олдини олади, иккинчидан эса, ислоҳотнинг инқилоб тарзида эмас, тадрижий тарзда амалга оширишини таъминлайди.

Яна бир тадбир — беш минглик ва ўн минглик пул намуналарининг истеъмолдан чиқарилиши ҳақидаги қарор олдинига ажаблантирган эди. Кейин англадимки, бу —республика бозорини, демакки, аҳолини бошқа давлатлардан оқиб келиши мумкин бўлган кераксиз пулдан ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли экан. Бундан ҳеч ким ташвишланмаслиги керак: 1 декабргача бўлган муддатда пулини алмаштириб олишга ҳамма улгуради.

Ислоҳотнинг эътиборни қаратиш лозим бўлган мана шу уч ҳолати ҳукумат бу тадбир жараёнида аҳолини муҳофаза қилишнинг энг самарали ва маъқул йўлларини қўллаганидан дарак беради.

...Хуллас, ниятларингиз амалга ошмади, жаноблар! Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб олиш фикрингиз пуч бўлиб чиқди! Ўзбекистон шу пайтгача ҳам бировга қўлини чўзиб, садақа сўраган эмас, бундан буён ҳам сўрамайди! Ўзбекистон қарамликдан қутулган, энди яна қайтиб унинг чоҳига тушмайди!

Шундай қилиб, мустақилликнинг яна бир, ҳали нотанишроқ бўлган манзилига қадам босдик. Бу манзилда қудратли сўм билан учрашамиз. Аммо, олимҳаком учрашувлардан олдин олиймақом зотларнинг элчилари уларга муносиб ўрин тайёрлаганидек, юртимизга соҳибқирон сўмнинг элчиси — сўм-купон ташриф буюрди. Келинг, унинг истиқболига чиқиб, қутлайлик:

— Хуш келибсиз, элчи жаноблар!

М. ХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Яқинда Ўзбекистонга қилган сафарим чоғида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Сизга ҳамда ҳукуматингизга теран миннатдорлигимни изҳор этаман. Мамлакатингиз олдида турган иқтисодий муаммолар, келажакдаги вазифалар хусусида Сиз ва ҳукумат аъзолари билан бемалол мунозара юритиш имкониятига мушарраф бўлганимни юксак қадрлайман. Учрашувимиз натижасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳот масалаларига амалий ёндашуви, республикангизга иқтисодий кенг қамровлик зарурлиги ва ижтимоий ларзаларсиз ривожланишга нисбатан Сизнинг шахсий интилишингиздан воқиф бўлдим. Жаҳон банки ислоҳот йўллари собиқ Совет Иттифоқи республикалари ўртасида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий андозалари хусусиятига ҳамда ташқи ресурслар зарурати масаласига бўлган талабга асосан бир-биридан фарқ қилишини эътироф этади. Биз Ўзбекистон ва жаҳон банки ўртасида узоқ муддатли муносабатлар боғланишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Бу;— Сизнинг молиявий сармоялар бўйича эҳтиёжингизга ва ҳукумат ўтказаётган ислоҳотлар дастурига кўмак берувчи тўловлар нисбатини тезда ўзини қоплайдиган маблағ билан таъминлашга мос тушган бўлур эди.

Мен, шунингдек, жаҳон банкининг молия билан боғлиқ бўлмаган, холис маслаҳатчи ва ташқи ёрдам бобида рағбатлантирувчилик аҳамиятини ҳам таъкидлашни истар эдим. Биз Ўзбекистон тараққиётига турли шаклда ҳисса қўшиш истагидамиз.

Яна бир бор, жаноб Президент, жуда мароқли ва самарали ташрифим учун ташаккуримни лутфан қабул қилгайсиз.

Алангали шахсий салом билан

Вильфрид П. ТАЛВИЦ,

Жаҳон банкининг Ёвропа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти.

• Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳар маданияти кунлари бошланди.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БАЙРАМИ

Нукус аэропорти байрамдагидек безатилган. Аэропортга Қорақалпоғистон Республика Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раҳбарлари келишган. Шу билан бир қаторда фан ва маданият арбоблари, таниқли спортчилар, адиблар, ижодий муассасалар ходимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари азиз меҳмонларни кутиб олишга чиқишган.

— Кундузги соат 10.30. «ТУ—154» ҳаво лайнери аэропортга қўнади. Меҳмонлар карнай-сурнай тароналари билан кутиб олинди. Байрам қатнашчилари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг муовини М. Қорабоев ҳам келди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков қондошларни табриклаб нутқ сўзлади. Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков жавоб нутқи сўзлаб, қорақалпоқ халқига, бутун Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларига миннатдорчилик билдирди. Кейин шаҳарнинг ҳушманзара жойларини томоша қилдилар. Бердақ номли хиёбондаги қорақалпоқ классик шоири Бердақ ҳайкалига гулчамбарлар қўйишди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамол Камол, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, шоирлардан Ҳалима Худойбердиева, Нормурод Нарзуллаев, шунингдек, икки республика рассомлари, ёзувчилари, шоирлари, драматурглари, учрашдилар ва суҳбатлашдилар.

Тошкент шаҳар маданияти кунлари қатнашчилари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинди. Қабулда Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг таниқли санъаткорлари, адиблари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳозир бўлишди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков бу йилги об-ҳавонинг ҳаддан ташқари ноқулай келишига қарамасдан пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирганлиги, белгиланган режалар ошириб уддаланганлиги, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа халқ хўжалиги жабҳаларида ўтган ўн ойда эришилган ютуқлар билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳаёти билан чуқур таништирди.

Шу куни кечқурун Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси музикали драма театрида Тошкент шаҳар маданият кунларининг тантанали очилиши ва санъат усталарининг байрам концерти бўлди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• 8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

ТАЙЁРГАРЛИК ҚЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

Намангланликлар — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини умумхалқ байрамига айлантиришга аҳд қилдилар.

Вилоят ҳокимлигида мазкур кунни ўтказишга ва унга тайёргарлик кўришга мутасадди ташкилий қўмита тузилиб, унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Дилшода Дадажонова олиб борди.

Мажлисда республика халқи ҳаётидаги қутлуғ санага бағишланган тадбирлар режаси муҳокама этилиб, тасдиқланди. Шу куни ишчи гуруҳи таркиби тузилди. Умумхалқ байрами кунигача аҳоли яшаш жойларида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг мазмуни ва демократик моҳиятини кенг тушунтиришга қаратилган лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Илмий конференция ташкил қилинади. Бу ишга вилоят зиёлилари вакиллари, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши фаоллари жалб этилади.

Байрам муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз яшовчи қариялар, кам таъминланган оилалар, болалар уйларида тарбияланаётганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Байрамда оммавий халқ сайиллари бўлиб ўтади.

Фарҳод ИЎЛЧИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЙРАМГА ТУҲФА

Қамаши паррандачилик фабрикаси ижара жамоаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги байрамига муносиб меҳнат туҳфаси тайёрлаяпти. Фабрика шу кунгача давлатга режадаги 100 тонна ўрнига 146 тонна парҳез парранда гўшти етказиб берди.

Фабрика паррандабоқарлари яқиндан бошлаб ижара асосига ўтиб ишламоқдалар. Жамоага Қашқадарё вилоят кенгаши депутати, ХДП аъзоси Бозор Қўчқоров раҳбарлик қилмоқда. Унинг тадбиркорлиги туфайли ижара дастлабки пайтдаёқ ўз самарасини бера бошлади. Кейинги икки ойда 500 минг дона тухум тайёрланди. Йил охиригача бу рақам 2 миллион донага етказилади.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ОНА ВАТАН



КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

ХОРИЖЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 ноябрь куни Буюк Британиянинг Рейтер ахборот агентлиги, «Би-Би-Си» корпорацияси ҳамда мазкур мамлакатда нашр этиладиган «Геральд» газетасининг Марказий Осиё бўйича мухбирлари Жеймс Кинг, Алан Жонстон ва Тимоти Жонстонни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Президент Буюк Британиялик журналистларга Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислоҳотлар, республиканинг иқтисодий имкониятлари, табиий бойликлари ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонларнинг барча саволларига муфассал жавоб қайтарди.

● Айём тараддуди

ЯХШИ КУН ШАРОФАТИ

Хоразм вилояти ҳокимлиги республика Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб нишонлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.

Асосий қонунимизнинг демократик асосларини шарҳлаш мақсадида барча корхона, ташкилотларда, ўқув юртлари ва маҳаллаларда семинар ва учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилди. Айём муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оилалар ва қаровчисиз болалар уйларидаги кичкинтойларни тақдирлаш учун 10 миллион сўм ажратилди.

⊙ Конституция кунига

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Фарғона Давлат университетида республика Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан асосий қонунимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказилмоқда.

«Конституция шарофати билан» деб номланган расмлар кўргазмаси ташкил этилаётир. 6 декабрь куни эса муҳим санага бағишланган катта тантана бўлади. Хусусан шу куни 5634 ўринли мактаб, 314 ўринли шифохона-поликлиникага ҳамда кунига 45 тонна нон ёпиладиган янги корхона ишга туширилади. 27 ноябрь куни вилоятда умухалқ ҳашари ўтказилади.

● Халқаро алоқалар

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Венадаги йирик «Берингер Ингельхайм фарма» фирмаси Ўзбекистонга 300 минг немис маркаси қийматида юрак-томир касалликлари, нафас қиши ва бошқа дардларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонларни инсонпарварлик ёрдами сифатида инъом этди.

Кардиология, пулмонология, ревматология ва соғлиқни сақлашнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган бундай дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи Австрия — Германия фармацевтика корхонасининг яқинда Тошкентда очилган ваколатхонаси ўз фаолиятини ана шундай хайрли иш билан бошлади.

● Атроф-муҳит

ФОИДАЛИ УЧРАШУВ

Джэрри Нэп бошчилигидаги Американинг атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлари вакилларидан иборат делегация «Экосан» халқаро жамғармасида бўлди.

Халқаро экология ва саломатлик жамғармаси раиси Ю. Шодиметов меҳмонларга аҳоли соғлиғини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Асосий мавзу Орол муаммоси ва Оролбўйида юзага келган аҳвол ҳақида бўлди.

● Иқтисодиёт

АНДИЖОН ТИКУВ МАШИНАСИ

Тикув машиналари ишлаб чиқарадиган «Тиксанти» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг жамоаси жаҳон бозорида рақобатлашадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

Андижон туманининг Оқёр мотор таъмирлаш заводи ҳузурида барпо этилган бу корхонада ишлаб чиқарилаётган «Зиг-заг» тикув машиналари 37 операцияни бажаради ва юқори талабларга жавоб беради. «Тиксанти» ишчи ва мутахассислари 53 операцияни бажарадиган бошқа тоифадаги машина ишлаб чиқариш тадбирларини кўрмоқдалар.

● Янги корхоналар

ХОРАЗМ ШАКАРИ

Ўзбекистон билан Туркия ҳукуматлари ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ, Хоразмда шакар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона қурилмоқда.

Хазорасп туманида бунёд этилаётган бу заводда йилига 40 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Улкан корхона амалда чиқитсиз ишлайди. Бу ерда озуқа қоришмаси ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади

(Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди).

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

БИРИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Суд тизими

Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида Қонун билан белгиланади.

2-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги

Ўзбекистон Республикасида одил судловни фақат суд амалга оширади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

3-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

Суд чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий.

4-модда. Суднинг вазифалари

Ўзбекистон Республикасида суднинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

5-модда. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун ва суд олдида тенгдирлар.

6-модда. Судловнинг ошкоралиги

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

7-модда. Судлов олиб бориладиган тил

Ўзбекистон Республикасида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади.

Судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

8-модда. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишга ҳақли.

9-модда. Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси

Айбланувчига, судланувчига ҳимоя ҳуқуқи таъминланади. Судловнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча, айбсиз ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

10-модда. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўисуниши қоидасига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

судларни ташкил этиш масалалари бўиича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

судьяликка номзодларни танлайди ва уларни тайёрлайди;

судьяларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишларини ташкил этади;

судларнинг ташқилий ишларини текширади;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади;

судлар томонидан ўтказилаётган суд амалиётини умумлаштириш ишида қатнашади;

суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этади;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Хўжалик судларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

11-модда. Қонунчилик ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ СУДЛАР

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

12-модда. Олий суднинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия вазири қатнашади. Олий суд Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

13-модда. Олий суд таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий суд судьяларидан иборат бўлиб:

Олий суд Пленуми;

Олий суд Раёсати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Ҳарбий ҳайъатдан иборат таркибда иш олиб боради.

14-модда. Олий суд Пленуми

Олий суд Пленуми энг юқори суд инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия вазири қатнашади. Олий суд Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

15-модда. Олий суд Пленумини чақириш тартиби

Олий суд Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалалар бўйича ҳужжатларнинг лойиҳаси Пленум аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Адлия вазирига Пленум йиғилишидан йигирма кун илгари юборилади.

16-модда. Олий суд Пленумининг ваколатлари

Олий суд Пленуми, Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий суд Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан дастурий кўрсатмалар беради;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раисларини, шунингдек Олий суд Пленуми котибини тасдиқлайди;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ва Олий суд судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги ахборотларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазирининг қўшма тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсати таркибини ва судлов ҳайъатлари раисларини тасдиқлайди;

Судьялар олий малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисида, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида ахборотларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъатини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-модда. Олий суд Пленумида суд ишларини кўриш тартиби

Олий суд Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Олий суд судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Республика Бош прокурорининг хулосаси эшитилади. Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ишни биринчи инстанцияда, кассация ёки назорат тартибида кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчиликнинг овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баённига қўшиб қўйилади.

18-модда. Олий суд Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни

Олий суд Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳамда Жиноят-процессуал кодексларида кўзда тутилган тартибда ижро қилинади.

Пленум йиғилишида ёзма баён юритилади. Пленум қарорлари ва баёни Олий суд Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

19-модда. Олий суд Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Бош прокурори ёки Адлия вазири томонидан Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Олий суд Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар ҳам ушбу масалаларни муҳокама қилишда қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори мажлисда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари судлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

20-модда. Олий суд Пленуми котиби

Олий суд Пленумининг котиби Олий суд аъзоси вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёнини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

21-модда. Олий суд Раёсатининг таркиби

Олий суд Раёсати Олий суд судьяларидан Олий суд Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Олий суд Раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсат йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарори мазкур Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

22-модда. Олий суд Раёсатининг ваколатлари

Олий суд Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўради, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

судлов ҳайъатлари ва Олий суд аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Олий суднинг судлов ҳайъатлари

Олий суднинг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда, кассация ва назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал кодексларида ва ушбу Қонунда кўзда тутилган қоидаларга биноан кўради.

24-модда. Олий суд Раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси:

Олий суд фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил этади;

ишларни республиканинг бир судидан иккинчи судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий суд Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий суд Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий суд Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий суд Раёсати ва Судьяларнинг олий малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ва ҳарбий судлар судьялигига номзодлар юзасидан кейинчалик улар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига хулосалар юборади;

Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Олий суднинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

25-модда. Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари

Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

Олий суд Пленуми қарорларидан ташқари барча инстанция судларининг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий суд судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий суднинг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар;

Олий суд Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар йўқлигида эса Раис ўринбосари амалга оширади.

26-модда. Олий суд судлов ҳайъатлари раислари

Олий суд судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;

Олий суд Раёсати ва Пленумида судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маъруза қиладилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб оладилар;

тегишли судлов ҳайъати судьяларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

II-БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, ВИЛОЯТ СУДИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ

27-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди — раис, раис ўринбосарлари, судлов ҳайъати раислари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб қўйидаги таркибда иш олиб боради:

суд раёсати;

фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати.

28-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўради;

туман (шаҳар) судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати — раис, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Раёсат йиғилишлари ойида камида икки марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарорлари овоз беришда қатнашган раёсат аъзоларидан кўпчилигининг овози билан мазкур Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

30-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсатининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг тақдимига биноан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари таркибларини тасдиқлайди;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти тўғрисидаги, туман (шаҳар) судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

31-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради ва қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

32-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раиси

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раиси:

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

ўзи протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида ишларни кўриб чиқиш учун жалб этади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчиларининг малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини уюштиради;

судьяларнинг малака ҳайъати қарори устидан Олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;

суд идораси ишларига раҳбарлик қилади, суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қиладилар;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

фуқароларни шахсан қабул қиладилар;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

III-БОБ. ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ

35-модда. Туман (шаҳар) судининг таркиби

Туман (шаҳар) суди — суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Туман (шаҳар) судида бештадан ортиқ судья бўлса, шу суд таркибида раис ўринбосари бўлади.

Туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлади.

36-модда. Туман (шаҳар) судининг ваколатлари

Туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ҳуқуқ доирасига берилган фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишларни кўради.

37-модда. Туман (шаҳар) суди раиси

Туман (шаҳар) судининг раиси:

суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида суд ишларини тақсимлайди;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини уюштиради;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишига раҳбарлик қилади, қонун бузилишини, ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимнома киритади;

суд ходимлари, шунингдек халқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

суд аппарати ишига раҳбарлик қилади, суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

38-модда. Туман (шаҳар) суди раисининг ўринбосари

Туман (шаҳар) суди раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

суд мажлисларида раислик қилади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

суд раисининг топшириғига мувофиқ раиснинг айрим вазифаларини бажаради ва раис йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади.

Раис ўринбосари йўқлигида туман (шаҳар) суди раисининг ваколатини амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли адлия бошқармаси бошлиқлари томонидан судьялардан бирига ёки маъмурий ишлар бўйича судья зиммасига юклатилиши мумкин.

IV-БОБ. ҲАРБИЙ СУДЛАР

39-модда. Ҳарбий судлар тизими

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий судлар тизими — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Қуролли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларидан иборат.

40-модда. Ҳарбий судларга тааллуқли ишлар

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларига:

Қуролли Кучлар сафида, чегара қўшинларида, Миллий хавфсизлик хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган шахслар, шунингдек ўқув йиғинлари вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмлари, қўшилмалари ва бирлашмаларининг қўмондонларига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъвоси бўйича фуқаролик ишлари ва мазкур мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан бериладиган шикоятлар, шунингдек, фавқулодда ҳолатларга кўра умумий судлар фаолият кўрсатмаётган жойларда — барча фуқаролик ва жиноят ишлари, давлат сирларига дахлдор бошқа ишлар тааллуқлидир.

41-модда. Ҳарбий судлар таркиби ва уларнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг Ҳарбий ҳайъати — Ҳарбий ҳайъат раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан таркиб топади. Ҳарбий ҳайъат раиси лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари ҳисобланади.

Қуролли Кучлар ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боради ва раис, раис ўринбосарлари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Гарнизон ҳарбий суди туман суди ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боради ва раис, ҳарбий судьялар ҳамда халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда гарнизон судида раис ўринбосари ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Ма ҳси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ

42-модда. Олий хўжалик судининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий хўжалик суди Пленумининг дастурий кўрсатмалари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишларни ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

43-модда. Олий хўжалик судининг таркиби

Олий хўжалик суди — Раис, унинг ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлади.

Олий хўжалик судида:

Олий хўжалик судининг Пленуми;

Олий хўжалик судининг Раёсати;

Низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

Хўжалик судлари қарорларининг қонунийлигини ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъати фаолият кўрсатади.

44-модда. Олий хўжалик судининг Пленуми

Олий хўжалик суди Пленуми — Олий хўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Бош прокурор қатнашади. Олий хўжалик суди Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида Адлия вазири, судьялар, Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

45-модда. Олий хўжалик суди Пленумини чақириш тартиби

Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳаси Пленум аъзоларига ва Бош прокурорга Пленум мажлисидан йигирма кун илгари юборилади.

46-модда. Олий хўжалик суди Пленумининг ваколатлари

Олий хўжалик суди Пленуми, Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий хўжалик суди Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан кўрсатмалар беради;

Олий хўжалик суди Раисининг тавсиясига биноан Олий хўжалик суди Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раисларини, шунингдек Пленум котибини тасдиқлайди;

Олий хўжалик суди Раисининг тавсиясига биноан Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ахборотни ва Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги маърузаларини тинглайди;

қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, шунингдек, Олий хўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари раисларининг маърузаларини тинглайди;

судьялар малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Олий хўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

47-модда. Олий хўжалик суди Пленумида суд ишларини кўриш тартиби

Олий хўжалик суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида, Олий хўжалик суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Республика Бош прокурорининг хулосаси эшитилади. Шундан сўнг Пленум протестни муҳокама қилишга киришади.

Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ишни илгари кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 2-бетда).

Кўпчилик овоз олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баёнига қўшиб қўйилади.

48-модда. Олий хўжалик суди Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни

Олий хўжалик суди Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексида кўзда тутилган тартибда ижро қилинади. Пленум йиғилишида ёзма баён юртилади. Пленум қарори ва баёни Олий хўжалик суди Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

49-модда. Олий хўжалик суди Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши

Пленумнинг муҳокамасига ушбу Қонунга мувофиқ Олий хўжалик суди Раиси, Бош прокурор ёки Адлия вазири томонидан киритилган, муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Мазкур масалаларни муҳокама қилишда Олий хўжалик суди Пленуми йиғилишига таклиф қилинган шахслар ҳам қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори йиғилишда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари хўжалик судлари, ташкилотлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунларни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

50-модда. Олий хўжалик суди Пленуми котиби

Олий хўжалик суди Пленумининг котиби судьялик вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёнини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

51-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг таркиби

Олий хўжалик суди Раёсати Олий хўжалик суди судьяларидан Олий хўжалик суди Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Олий хўжалик суди Раиси ва унинг ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсатнинг йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

52-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатлари

Олий хўжалик суди Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари раисларининг хўжалик судлари ишларини ташкил қилиш ҳақидаги маърузаларини эшитади;

хўжалик судлари, Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

53-модда. Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари

Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда ва қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартибида Хўжалик процессуал кодекси ва ушбу Қонунда назарда тутилган қоидаларга биноан кўради.

54-модда. Олий хўжалик суди Раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси:

Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протестлар киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий хўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил қилади;

ишларни республиканинг бир хўжалик судидан иккинчи хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий хўжалик суди Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий хўжалик суди Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий хўжалик суди Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий хўжалик суди Раёсати ҳамда Судьяларнинг малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий хўжалик суди ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

55-модда. Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари

Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари:

Олий хўжалик судининг, хўжалик судларининг хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатлари чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг мажлислари, ажримлари ва қарорларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қиладилар;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Олий хўжалик суди Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раис ўринбосари амалга оширади.

56-модда. Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раислари

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;

Олий хўжалик суди Раёсати ва Пленумига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этадилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб оладилар;

судьяларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

II-БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДИ, ВИЛОЯТЛАР ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

57-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди — раис, раис ўринбосарлари, судьялардан иборат.

Зарур ҳолларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шаҳар хўжалик судлари ташкил этилиши мумкин.

58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий хўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил қилади;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

59-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қилади;

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлари устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

60-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари:

тақсимотга мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

хўжалик судининг ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. СУДЬЯЛАР МАҚОМИ

I-БОБ. СУДЬЯЛАР, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

61-модда. Судьялар мақомининг бирлиги

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эгадирлар ва фақат ваколатлари ҳамда ҳуқуқ доираси бўйича ўзаро фарқланадилар.

62-модда. Судьяликка номзод ва халқ маслаҳатчиларига номзодга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида беш йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида етти йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси этиб сайланиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлик таркибидаги ҳарбий унвонга эга, ушбу модда талабларига жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, ҳарбий низомлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ва мазкур Қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя чоралари тадбиқ қилинади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойларидаги йиғилишларда очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари ҳарбий қисм хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланадилар.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари судларга ўз вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақириладилар, уларнинг иштирокида бошланган судлов ишини кўриб чиқишни тугаллаш зарурати туғилганида бу муддатни узайтириш ҳоллари бундан мустаснодир. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи корхона, ташкилот, муассасанинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, сақлаб қолинади.

63-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланадилар ёки тайинланадилар.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Қуролли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяларининг сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар), ҳарбий, хўжалик судлари судьяларининг сони тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

64-модда. Судьялар қасамёди

Илк бор судьялик лавозимига тайинланган (сайланган) шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек бегараз, одил, ҳаққоний бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Судьялар қасамёди тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи олдида қилинади.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида:

хўжалик судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, туман (шаҳар) судлари судьялари — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Раёсати мажлисида.

65-модда. Судьяларнинг ҳуқуқлари

Судьялар:

одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилишга;

давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар ва ахборот марказларидан маълумотлар талаб қилиб олишга ҳақли.

Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьянинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьянинг сўровига мувофиқ бепул берилади. Судьянинг талаб ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

66-модда. Судьяларнинг бурчлари

Судьялар фуқаролик, жиноий, хўжалик ва маъмурий ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулклари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, бегараз ва одил бўлишлари шарт.

Судьялар ўз вазифаларини бажариш чоғида, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда одил судловнинг обрўсини тўкадиган, судьялик қадр-қимматига ёки унинг холислигига шубҳа туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзларини тийишлари керак.

Судьялар ўзаро маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш вақтида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Олий Мажлис депутати бўлолмайдилар.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

II-БОБ. СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

67-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш

Судьяларнинг мустақиллиги:

уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш;

судьялар дахлсизлиги;

одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши;

қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг таъқиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашиш, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш орқали таъминланади.

68-модда. Судьяга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун жавобгарлик

Давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьялар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва шунга риоя этишлари шарт.

Судьяга ҳурматсизлик билдириш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

69-модда. Суд ишларини ҳал қилишда аралашувга йўл қўйилмаслиги

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай тарзда бўлмасин таъсир ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки судловида бўлган ишлар моҳияти бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, кимга бўлмасин, ишни таништириш чиқиш учун тақдим этишни талаб этиш таъқиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

70-модда. Судьялар дахлсизлиги

Судьяларнинг шахси дахлсиз. Судья дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларига ҳам тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Адлия вазири томонидан белгиланган рўйхатга биноан ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда эса, тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи унга ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья, тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судьяни тегишли малака ҳайъатининг розилиги бўлган тақдирдагина маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишга йўл қўйилади.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, унинг шахсий ёки фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки ашёни олиш, телефонда сўзлашувини эшитиш, судьяни кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унга тегишли мулклари ва ҳужжатларини, унинг хат-хабарларини кўздан кечириш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорининг, Қуролли Кучлар ҳарбий прокурорининг рухсатига ёки суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Туман (шаҳар) суди, гарнизон ҳарбий суди судьясига нисбатан жиноят иши — юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли.

Халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажараётган даврда судьялар дахлсизлигининг барча кафолатларидан фойдаланадилар.

71-модда. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш

Судья жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколати тўхтатилади.

Судьянинг ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазирининг биргаликдаги тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва ҳарбий судлар судьяларининг ваколати — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг, хўжалик судлари судьяларининг ваколати эса — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан қуйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарорига асосан тўхтатилади, агар:

судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судья тиббий тартибдаги мажбурий даволаш чораларига тортилган ёки қонуний кучга кирган суд қарори ёки аҳрими билан унинг муомала лаёқати чекланса;

судья қонуний кучга кирган суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилса.

Судьянинг ваколати уни тўхтатишга сабаб бўлган асос тугагунга қадар тўхтатилади.

Судья малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Судьялик ваколатининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўламай қўйишга ёки унинг миқдорини камайтиришга, таъминотини пасайтиришга ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган шахсий дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судья ҳибсга олинган ҳоллар бундан мустасно.

72-модда. Судья ваколатининг тугатилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси Раисининг белгиланган тартибдаги тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

а) судьялик қасамёдини бузганда;

б) унинг ёзма аризасига кўра;

в) тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан қилинган огоҳлантириш ёки ваколатининг тўхтатилишига қарамасдан ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттирган тақдирда;

г) суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан муомалага лаёқатсиз деб топилса;

д) судья Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

е) унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса;

ж) суднинг қонуний кучга кирган қарорига кўра ўлган деб эълон қилинган тақдирда;

з) саломатлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт давомида судьялик вазифасини бажаролмай қолган бўлса;

и) вафот этиши муносабати билан.

Судьянинг ваколати ушбу модданинг «а», «в», «з» бандларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли судьялар малака ҳайъатининг қарори асосида тугатилиши мумкин.

Судья малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчиларининг ваколати шу моддада кўрсатилган асослар бўйича тугатилади, «а» бандида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

73-модда. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги

Судья фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан қуйидаги интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунларни бузганлиги учун;

суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари, хизмат соҳасида ёки бошқа обрўсини тўкадиган хатти-ҳаракати учун.

Ҳарбий суднинг судьяси, шунингдек ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, шу қарорни чиқаришда қатнашган судья қонунни била туриб бузмаган ёки жиддий оқибатларга олиб келган диёнатсизликка йўл қўймаган бўлса, унинг интизомий жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

74-модда. Судьялар малака ҳайъати

Судьялар Олий малака ҳайъати ва судьялар малака ҳайъати:

судьялик лавозимига номзодларни танлаш;

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяни малака имтиҳонидан ўтказиш ва унга малака даражаси бериш масалаларини кўриш учун тузилади.

Судьялар Олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса — Олий хўжалик суди Пленуми томонидан беш йил муддатга сайланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли жойлардаги судьялар йиғилишида, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари эса — ҳарбий судлар судьялари йиғилишида шу муддатга сайланадилар.

Судьялар малака ҳайъатини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

III-БОБ. СУДЬЯЛАРНИ МОДДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНЛАШ

75-модда. Судьяларнинг моддий таъминоти

Судьяларнинг иш ҳақи уларнинг лавозими бўйича белгиланган маошдан, шунингдек малака даражаси, хизмат муддати учун тўланадиган қўшимча ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Судьяларга ҳар йили 36 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Судья сайланган (тайинланган) кундан бошлаб олти ой ичида уй-жой ҳамда шахсий телефон билан таъминланади.

76-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджетидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

судья ўз вазифасини бажариш даврида ёки лавозимидан бўшаганидан сўнг ҳалок бўлса (вафот этса), башарти бу воқеа судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берса, унинг ворисларига судьянинг 50 ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолса ёки саломатлигига бошқача шикаст етказилганида — судьянинг 25 ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум этмайдиган ва узоқ муддатга меҳнат фаолиятини тўхтатишга олиб келмайдиган тан жароҳати ёки саломатлигига бошқа шикаст етказилганида — судьянинг 5 ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки саломатлигига бошқача шикаст етказилганида, давлат суғурта тўловларини ҳисобга олмаган ҳолда, унга ойлик иш ҳақи билан тайин этилган нафақа ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўланади;

судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми билан боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, давлат суғурта тўловларини ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ равишда унга тегишли мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Мазкур моддада кўрсатилган зарар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва қонунда кўзда тутилган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

БЕШИНЧИ БЎЛИМ.
ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

(Охири. Боши 2- ва 3-бетларда).

77-модда. Суд ижрочиси

Суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари бўлади. Судда икки ва ундан кўпроқ суд ижрочиси бўлганда улардан бири катта ижрочи ҳисобланади.

Суд ижрочисининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд қарори бўйича ижро ҳаракатлари ўтказиш вақтида, зарур ҳолларда, унга белгиланган тартибда қурол ёки тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи томонидан соқчилар ажратилади.

Суд қарорини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

78-модда. Суд аппарати

Суд аппарати унинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шунингдек суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайди. Шу мақсадда Олий судда, Олий хўжалик судида бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалар ташкил этилади.

Бошқармалар, бўлимлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ёрдамчилар, судларнинг бош ва катта консультантлари, консультантлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, адлия вазири белгилаган тартибда малака синовидан ўтадилар.

Мансаб даражасини белгилаш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

79-модда. Судларнинг тузилиши ва штатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, хўжалик судларининг тузилиши ва умумий сони тегишлича Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг, туман (шаҳар) судининг тузилиши ва умумий сони Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Судларнинг штатлар жадвали тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси ва адлия вазири томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, адлия вазири, зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига уларнинг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади.

80-модда. Судларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти

Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади.

Судларнинг молиявий, моддий-техникавий ва ўзгача таъминоти, уларнинг бинюларини қўриқлаш ва сақлаш республика бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Маблағнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ажратилган маблағни тақсимлашни:

туман (шаҳар), вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди учун — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

ҳарбий судлар учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари учун — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик суди амалга оширади.

81-модда. Олий суд ва Олий хўжалик судининг матбуот органи

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди ўз матбуот органига эга.

82-модда. Олий суд ва Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ҳузурида маслаҳат овозига эга бўлган, жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Унинг вазифасига суд амалиётида келиб чиқадиган қонунларни қўллашга доир масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар бериш киради.

83-модда. Судлар муҳри

Судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўзининг номи ифодаланган муҳрига эга.

Ўзбекистан Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди вилоят хўжалик судлари юридик шахс ҳисобланадилар.

84-модда. Суд ҳокимиятининг рамзлари

Суд биноси устида Ўзбекистан Республикаси Давлат байроғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ўрнатилади.

Судьялар судлов ишини махсус кийимда олиб борадилар. Бу кийимнинг тавсифи ва намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Судьяларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «СУДЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинган кундан амалга киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 62-модданинг қоидалари Қонун амалга киритилганидан кейин сайланадиган ва тайинланадиган судьяларга нисбатан қўлланилади.

2. «Судлар тўғрисида»ги Қонун амалга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди халқ маслаҳатчиларининг ваколати тугатилади. Халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари улар суд ишларини кўриб турган вақтда тугайдиган бўлса, уларнинг ваколатлари шу ишнинг муҳокамаси тугагунга қадар сақланади.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун амалга киритилгунга қадар сайланган бошқа судларнинг халқ маслаҳатчилари ўз ваколатларини улар сайланган муддат тугагунча сақлаб қоладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига судларни хизмат бинолари, автотранспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган моддий-техника таъминотига оид бошқа чораларни амалга оширш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, вилоят судларининг алоҳида режимдаги объектларда амал қилувчи доимий сессиялари тугатилсин.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида суд тузилиши тўғрисида»ги 1981 йил 27 ноябрдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 33, 642-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги 1991 йил 20 ноябрдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 86-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси судларининг конференцияларини чақириш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 1989 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, № 31—33, 526-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг қасамёди тўғрисида»ги 1989 йил 21 декабрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, № 35—36, 605-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. НУЪЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 2 сентябрь.

• *Долзарб мавзу*

Соғлиқни сақлаш: ўзгаришлар даври



Кечқурун барча бемор уйига тарқаб кетди. Аммо бу—шифохона тартибини бузиш эмасди. Ҳозир Тошкентнинг кўпгина поликлиникаларида кундузги шифохоналар очилган. Мазкур шифохоналардан фойдаланиш ҳуқуқи асосан серфарзанд оналарга берилган. Улар бундан миннатдор бўлиб, ўз соғлиғини тиклашяпти.

Ушбу муҳим янгилик шаҳарда кенг тарқалиб, аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бу борада анчагина иш қилинди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев ЎзА мухбирига одамлар соғлиғини асраш ва мустаҳкамлаш муаммолари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда поликлиника ва амбулаторияларнинг тутган ўрни ҳақида гапириб берди.

— Узоқ йиллар давомида тиббиётнинг аҳволи ҳақида сифат кўрсаткичлари бўйича эмас, миқдор кўрсаткичлари бўйича фикр юритдилар, тиббиёт аҳволига шу кўрсаткичларга қараб баҳо берилар эди. Шифохоналаримиз санитария қоидаларининг энг оддий талабларига ҳам жавоб беролмасди. Шифохоналарда ўринлар кўпаяр-ди-ю, аммо беморлар сони камаймас эди. Йигирма беш талаб беморга қарашга мажбур бўлган врач қандай қилиб касаллик сабабларини обдон ўрганиб, беморни даволай олиши мумкин ахир?

Ҳозир аҳвол тубдан ўзгарган: асосий эътибор тиббий хизматнинг сифатига қаратилмоқда. Кейинги иккиуч йил ичида Тошкент шифохоналарида уч мингга яқин ўрин қисқарди. Бу яхшими, ёмонми? Менимча, яхши. Чунки биз тиқилиб ётган хоналарни бўшатдик, беморларга даволаниш учун яхши шароит яратиб бердик.

Бу янгилик шифохоналарда ётаман деганларга гал келишини чўзиб, аҳволни баттар қийинлаштириб қўймаяптими? Мен бу саволга йўқ, деб жавоб бераман. Чунки поликлиникаларда уч минг ўринлик кундузги шифохоналар очилди. Йилнинг охиригача эса яна 500 ўрин очмоқчимиз. Мазкур янгиликнинг афзаллигини тиббиёт ходимлари ҳам, беморларнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда. Ҳозир унча мураккаб бўлмаган жарроҳлик операцияларини шифохоналарда ойлаб навбат кутмасдан, поликлиникаларнинг ўзларида ўтказиш мумкин. Мисол учун гастрит касаллигини олайлик. Агар бемор врачга ўз вақтида мурожаат қилиб, тиббий ёрдам олган бўлса, бир ҳафта ичида бу касалликнинг жуда кўп асоратларидан фориғ бўлади. Стенокардия касаллиги ҳам анча хавфли. Унга ҳам ўз вақтида чора кўрилмаса, миокард инфарктига олиб келиши мумкин.

Кундузги шифохоналар айниқса серфарзанд оналарга жуда қулай. Улар шу пайтгача шифохонада ётиш имкони йўқлиги учун соғлиқларини тиклаш имконига эга эмас эди. Энди эса улар куни бўйи врач назоратида бўлишади. Бу ерда уларга ҳатто овқат ҳам берилади. Шифохоналардаги энг яхши жиҳозлар поликлиникаларга олиб берилган. Поликлиникалар, шунингдек, нафас олиш аппаратлари, жарроҳлик столлари, дори-дармонлар, бир марта фойдаланиладиган шприц ва системалар билан таъминланган. Янаги йилда ҳам «Ўзмедтехника» ажратадиган энг янги аппаратларнинг 90 фоизини поликлиникалар олади.

Етакчи илмий ва тиббиёт марказларидаги профессор ва доцентларнинг 70 фоизи поликлиникаларга келиб ишлаётгани ҳам ижобий натижа бермоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уларнинг кўпчилиги билан шундай ҳамкорлик хусусида шартнома тузган. Бундан буён энг малакали мутахассислар поликлиникаларга жалб этилади.

Бу тажрибанинг яна бир яхши томони шундаки, етук мутахассислар билан ёнма-ён ишлаган поликлиника хизматчиларининг ҳам малакаси ошади.

Бугун соғлиқни сақлаш соҳасидаги аҳвол секин бўлса ҳам яхши томонга ўзгараётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Республика раҳбариятининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан кўрсатаётган ёрдами ҳам ўз самарасини бермоқда.

Ҳозир келажак авлод саломатлиги устида жиддий ўйлайдиган пайтдир. Ўзбекистоннинг тараққиёти концепциясида келажак авлод саломатлиги масаласи асосий ўрин эгаллайди. Бу — биз тиббиёт ходимлари олдига жиддий вазифалар қўяди. Республикада бу йўналишдаги иш аллақачон бошлаб юборилган. Президент Ислом Каримов аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, камқон ҳомиладор аёлларни дори-дармон билан текин таъминлаш хусусида фармонлар чиқарганини биласиз. Одамлар соғлиғини сақлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, бу ишга давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам жалб этилган. Бундай эътиборнинг ёрқин мисолларидан бири сифатида «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганини айтишимиз мумкин.

Ўз фарзандлари ва оналарига шундай эътибор билан қараб, ғамхўрлик қилаётган давлатнинг келажаги порлоқ. Демак, биз — тиббиёт ходимлари ҳам инсон саломатлигини сақлашдек олижаноб мақсад йўлида тиним билмай меҳнат қилишимиз лозим.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

• *Тадбиркорлар бор бўлсин*

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Республикамизда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар барча тармоқ соҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишни тўғри ташкил қилиш муваффақият омилидир. Мухбиримиз Тошкентдаги 1-сонли ижара сут маҳсулотлари комбинатида бўлиб, ана шулар тўғрисида бош директор Р. И. ЮСУПОВ билан суҳбатлашди.

— Рустам Иброҳимович, корхонада муаммоларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

Сир эмаски, нарх-навонинг кўтарилиши, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги олдиберди, хом ашёнинг ўз вақтида етиб келмаслиги маълум муаммоларни келтириб чиқараяпти. Хўжаликлар бир-бирига режа асосида ипсиз боғлаб ташланган. Мустақил бўлган ҳар бир хўжалик бозорга ўзининг сифатли маҳсулоти билан чиқмаса, рақобатга дош беролмаслигига кўзи етади. Маҳсулотларнинг сифатли чиқиши эса корхона ишчи-хизматчиларидан ишбилармонлик, тадбиркорликни талаб этади.

Мустақиллик шарофати билан жамоамиз имкониятларидан юзага чиқмоқда, ютуқларимиз ҳам кам эмас, ўзимизга яраша муаммолар ҳам бор.

— Муаммоларни ҳал этиш учун қандай чоралар кўриляпти?

— Комбинатимиз пойтахт аҳолисига ҳар куни 260 тонна сут ва сут маҳсулотлари етказиб бераяпти. Бу маҳсулотларни тайёрлашда технологик жараёнда қадоқлаш ишларининг тақчиллиги катта муаммо бўлиб турибди. Хом ашёнинг асосий қисми МДҲ мамлакатларидан келтирилади. Жумладан, Белоруснинг Борисов шаҳридаги «Полимист» заводидан стакан идишлар, полиэстрол, плёнка, полиэстрол лентаси олиб келинади. Шунингдек, Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳридан ҳам идишлар олинади. Сут порошоги Украина ва Россиядан келтирилади.

Хом ашёнинг нархи тобора кўтарилиб бораяпти. Шунинг учун биз Тошкентдаги «Совпластитал» қўшма корхонасида қадоқлаш идишлари ишлаб чиқаришни имкони бўлса йўлга қўйиш таклифи билан шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик. Ўйлаймизки, таклифимиз тез кунда кўриб чиқилади ва ижобий ечимини топади. Агар идишлар ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлса, ўнинг ўртача таннархи 31—33 сўм атрофида бўлади. Ҳолбуки, Ҳамдўстлик давлатларидан олинаётган ҳар бир идишнинг таннархи 79 сўмга тушмоқда.

Шунингдек, Исроилнинг «Агрола» фирмаси билан ўзаро қўшма корхона очиш тўғрисида шартномани имзолаш арафасидамиз. Ўйлайманки, қўшма корхона идишлар муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам беради.


Сут ва сут маҳсулотларини шаҳримиз дўконлари ва умумий овқатланиш бошқармаси ошхоналарига ўз вақтида етказиб турибмиз. Аммо «Тошкентсавдо» концерни, «Тошкенттаом» бошқармаси 800 миллион сўм пулни ҳисоб рақамларимизга ўткази-



СУРАТДА: ювиш цехи оператори Санда Носирова иш устида.



СУРАТДА: қатиқ қуюш цехи оператори Анора Содиқова.



СУРАТДА: сут комбинатида ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар.

Суратларни Абдувоҳид Тўраев олган.

пишлоқ, бринза ишлаб чиқариш цехлари режани 176,2 фоизга бажардилар. Умуман олганда, 10 ойлик режамиз 111,5 фоизга адо этилди. Бунда техник ходимларимизнинг хизматлари каттадир. Жумладан, ишлаб чиқариш бошлиғи Абдумажид Раҳмонов, дудланган пишлоқ цехи усталари Равшан Мажидов, Равшан Мирхўжаев ва бошқаларнинг корхона равнақида муносиб ҳиссалари бор.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қандай амалий ишлар қилиняпти?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даври республикамиз ҳар бир фуқароси учун синов даври бўлаяпти. Чунончи, комбинат раҳбарияти ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан имкон қадар чоралар кўрмоқда. Жамоамиз 600 га яқин кишидан иборат. Ўртача ойлик маош 60 минг сўмни ташкил этаяпти. Қўшимча равишда ойлик мукофотлар ҳам бериб борилаяпти. Иш уч сменада ташкил қилинган. Ошхоналаримизда иссиқ овқатлар тайёрланиб, арзон нархларда сотилмоқда. Қиш мавсуми учун 30 минг сўмдан картошка ва пиёз пули тарқатилди. Таътилга чиқаётган ишчи-хизматчиларимизга ёрдам пуллари берилаяпти.

Комбинат қошида сут маҳсулотлари билан савдо қиладиган фирма дўконимиз ишлаб турибди. Ишчи-хизматчиларимиз сотиқларини тиклаб олишлари учун янги соғломлаштириш маркази қурилди ва бир ой илгари фойдаланишга топширилди. Хуллас, меҳнаткашларимизни ижтимоий ҳимоялаш корхона раҳбарияти назаридан четда қолмаяпти.

— Сизнинг фикрингизча иқтисодий қийинчиликдан, қимматчиликдан тезроқ халос бўлиш учун нималар қилиш мумкин?

— Республикамиз Президенти И. А. Каримов 1993 йил 5 ноябрда Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда сўзлаган нутқида ҳозирги иқтисодий ислоҳотнинг бориши тўғрисида яна бир бор таъкидлаб ўтди. Айниқса, «ишлагандан кейин албатта камчилик ҳам бўлади. Фақат савобли ишларни, ташаббускорликни қўлдан бермаслик керак. Эски қонунларга ёпишиб олиш керак эмас» деган фикрига тўла қўшиламан.

Саволингизга келганда эса иқтисодий қийинчиликдан мумкин қадар тезроқ қутулиш учун энг асосий ишлардан бири — корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш зарур. Ривожланган мамлакатлардаги корпорация ва фирмалар билан ўзаро шартномалар тузмоғимиз даркор. У ердаги энг замонавий технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиб, ишларни жадаллаштириш асосий вазифамиздир. Кичик корхоналар, қўшма корхоналарни кўпайтириш лозим, деб ўйлайман. Республикамизда ҳом ашё заҳираларини ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирмоғимиз керак. Корхоналарга иқтисодий эркинлик бериш ҳал қилувчи омилдир.

— Корхонангиз хайрия мақсадлари учун маблағ ажратганми?

— Етим болаларга, афғон урушида шаҳид кетган байналмилал жангчилар оилаларига меҳр-мурувват кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиздир. Шуни эътиборга олган ҳолда корхона ҳисоб рақамидан бир неча миллион сўмни ажратдик. Жумладан, Чернобиль ҳалокати ва афғон уруши ногиронларига 550.000 сўм, Акмал Икромов тумани кўзи ожизлар жамиятига 100.000 сўм, Юнусобод туманидаги «Улуғбек» номли маҳаллага 200.000 сўмлик маблағ ажратдик.

Ишбилармонлик билан олиб борилаётган хатти-ҳаракатимиз келгусида ўз мевасини беришга ишончимиз комил.

Суҳбатдош:
Мирбахтиёр МИРФАИЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТДА: стерилизация цехи устаси Анвар Исломов технологик жараённи кузатмоқда.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ...

Жиззах туманидаги Нормат Абдуолимов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» мақолини бот-бот эслашади. Сабаби, улар бир неча йил муқаддам ялписига давлат хўжалигининг ишчилари саналган, «Коммунизм» сари ғайрат билан одимлаб бораётган кунларида бу мақолининг жабрини кўришган.

Хуллас, давлат хўжалиги тугади, давлат тасарруфидан чиқарилган мулк жамоа мулкига айлантирилди. Ер ҳам, сув ҳам соҳибкорларнинг ўзиники бўлиб қолди.

1950 гектар сувли ер 16 та бригада аҳлига бўлиб берилди. Хўжалик бошқаруви улар билан шартнома асосида ишлайди. Асосан уруғлик учун сабзавот етиштирамиз. Чунончи, бу йил 68 тонна сабзавот уруғи тайёрланиши керак. Топшириқ бригадаларга расамади билан бўлиб берилган. Бригадалар топшириқни ортиғи билан бажариш тадбирларини кўришяпти.

Хўжалик соҳибкорлари тахминий ҳисоб-китобларга кўра бу йил 280 миллион сўмлик маҳсулот сотишни мўлжаллаб туришибди. Шунда 84 миллион сўмга яқин соф фойда кўрилади.

Дастлабки якунлар ёмон эмас. Пилла, ғалла, ош лавлаги сабзавот уруғи сотиш режалари ортиғи билан бажарилди. Қизиғи шундаки, хўжаликнинг давлатга сабзавот сотиш режаси 300 фоизга бажарилди.

— Биз уруғчилик билан шуғулланганимиз боис, сабзавот тайёрлаш кам режалаштирилади, — дейди жамоа раиси Ботир Шодиқулов, — помидорни уруғликка ажратиш пайтида эса катта миқдорда шарбати ажралиб чиқади. Биз бу шарбатни исроф қилмасдан сотамиз. Жиззах тумани матлубот жамиятига қарашли ишлаб чиқариш комбинати ва «Сўғдиёна» фирмаси бу шарбатни жон-жон деб сотиб олади. Чунки, уларнинг цехлари бор. Бу шарбатдан помидор қиёми тайёрлашади. Шунинг эвазига биз 450 тонна ўрнига 1800 тонна сабзавот тайёрлаган бўлиб чиқдик.

Куз — деҳқон даласида иш қайнаган палла. Айниқса, бу хўжаликнинг юмуши ҳаддан зиёд. Чунки, келгуси ҳосилнинг замини ҳозир яратилади. Бир томондан ҳосил йиғиштирилса, бир томондан ерлар ҳозирланиб, сара уруғ бераднган сабзавотлар, бошқа зироатлар экиляпти.

Шу йилнинг ўзида 30 хонадон газлаштирилиб, икки қаватли мактаб биноси қуриб битказилди. Юз хонадон ичимлик суви билан таъминланган. Навбати билан ўтаётган тўйлар, соҳибкорларнинг турмуши фаровонлашаётганидан, бинобарин, иқтисодий ислоҳотлар бу заминда ўз мевасини бераётганидан далолатдир.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ИЛМУ ҲИКМАТ ЎТНИ ЁНДИРАР*



1. БУҚРОТ ВА ЖОЛИНУС САЖДА ҚИЛИШГАН БЎЛУРДИ

Париж жамолини тасвирлашга сўз ожизлик қилур. Шу гўзал шаҳарнинг чиройи тенгсиз саройларидан бирида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва республика делегацияси шарафига ўтказилаётган расмий қабул маросимида Франция Президенти Франсуа Миттеран жаноблари табрик нутқи сўзлаяпти. Жумладан у юртбошимизга мурожаат этиб, «Мамлакатингиз яқинда мустақилликка эришган бўлсада биз Ўзбекистонни яхши биламиз», деди. Юртимизни «Ислом маърифатига кўплаб буюк алломаларни етказиб берган диёр» деб атади.

«Мазкур алломалардан икки нафари ўз ватанининг шон-шуҳратини Париж дорилфунунигача етказган, — деб таъкидлади Франция президенти. — Улардан бири Ибн Сино бўлиб ,биз уни Авиценна деб атаймиз. Шу зот туфайли ғарб Аристотел асарларини ўқишни ўрганди. Урганчда туғилиб ўсган ал-Беруний бизга Алиборон деган ном билан таниш. У буюк тарихчи ва қомусчи олимлардан бири».

Телевизор орқали мазкур кўрсатувни томоша қилиб, Миттеран жаноблариниг сўзларини тинглар эканман, кўнглим шу азиз юртимиздан ифтихор туйғуларига лиммо-лим тўлди. Назаримда ҳар бир ўзбекнинг қадди бир терак бўйи ўсди. Ватани билан фахрланиш ҳисси барг ёзиб, илдизи чуқурлашди. Франция жаҳон маърифатига ва ҳозирги дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Шундай экан французларни унчамунчага ҳайратга солиш, тан олдириш мушкул вазифа. Шу улуғ юртнинг буюк фарзанди, тарих ва маданият соҳасида чуқур билимли Миттеран жаноблариниг мазкур сўзларини ҳайрат билан, ҳаяжон билан қайта ва қайта ўқийман.

Ўзбекнинг кўкси осмон бўлса арзийди. Зеро, жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк ҳамюртимиз Ибн Синонинг тенги йўқ асари «Тиб қонунлари» XII асрдаёқ араб тилидан лотинчага таржима қилина бошлаган. Бу Шарқ маданиятининг Европага кириб келишининг бошланиши эди. Кейинчалик эса шу маданият Европада Уйғониш даврининг етилишига катта туртки бўлди. «Тиб қонунлари» XIII асрдан бошлабоқ Европа университетларида медицина фанининг асоси сифатида ўқитила бошланди. XVII асрнинг иккинчи ярмигача тиббиёт факультетлари программасининг ярмини Ибн Синонинг асари ташкил этди.

XII асрда яшаган катта олим Низомий Арузий Самарқандий «Агар Буқрот (Гиппократ) ва Жолинус (Гален) тирилиб қолсалар, бу китоб олдида сажда қилишлари мумкин бўларди» деб ёзганида юз бора ҳақ эди. «Тиб қонунлари» 500 йил мобайнида асосий қўлланма ва дарслик сифатида ўз қимматини йўқотмади. Китоб босиш ихтиро этилгач, дастлабки нашрлар орасида «Тиб қонунлари» ҳам бор эди. Ҳаммаси бўлиб у лотин тилида 40 маротабадан зиёдроқ тўла ҳолда нашр қилинди. Шунинг ўзи мазкур асарга бўлган талаб ўша пайтларда нақадар катта эканлигини кўрсатади. Кейинчалик унинг асосий қисмлари немис, француз, инглиз ва бошқа тилларга ҳам таржима этилади.

Тарихий фактлар ана шундай. Франсуа Миттеран жаноблари ўлкамиз тарихи ҳақида ҳаяжон билан гапириб, Ўзбекистонни яхши биламиз, деганларида балки шуларни ҳам назарда тутгандир.

Таажжуб! Бизда эса ҳали яқин вақтларгача ўзбеклар, умуман туркистонликлар деярли ёпасига саводсиз эди, деган тушунчани онгимизга сингдиришга, шу йўл билан ўз тарихи ила фахрланиш туйғусини сўндиришга уринилди. Тўғри, ўтмишда қанчалаб улуғ алломаларимиз ўтганлигини эшитардик. Лекин уларнинг буюклиги нимадан иборат эканлигини билмасдик. Чунки улар яратган бебаҳо дурдоналарни ўз тилимизда ўқимаган эдик-да.

Ўз даври фан тараққиётининг энг юқори чўққиси бўлган Розий, Ибн Сино ва Беруний меросини эзгу ғоялар сардори замонамиз қомусул улуми Убайдулла Каримов бўлди. У 40 йилдан ортиқ умрини баайни шу савоб ишга сарфлаб келмоқда. Бутун Европа 600-700 йил аввал ўқиб, амал қилган ўтмишдаги ҳамюртларимизнинг яратган илмий меросини эндиликда шу заҳматкаш инсон туфайли Туронзаминнинг ҳозирги авлодлари ҳам ўрганмоқда.

II. УЗБЕК ОЛИМИ НЕМИС ОЛИМИНИНГ ХАТОСИНИ ТУЗАТДИ

Убайдулла Урта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетини тугатган 1941 йили уруш бошланди. Бошқа тенгдошлари қатори у ҳам фронтга отланди. Яраланиб қайтиб келгач, Тошкент дорилфунунининг Шарқ факультетига ўқишга кирди. 1949 йили уни аъло баҳолар билан тамомлагач, шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб хизмат қила бошлади. Савол туғилиши мумкин: нега олий маълумотли ҳамда яхшигина мутахассислиги бўла туриб, у яна ўқишга кирди, деб. Бу эҳтимол, тақдирдир. Лекин, шуниси аёнки, мабодо ана шу икки соҳа — кимё ҳамда шарқшунослик бўйича етук мутахассис бўлмаганида эди, Убайдулла Каримов кейинчалик амалга оширган кўлами кенг ишларнинг юз бериши ҳам амримаҳол эди. Унда бой ўтмишимизга қизиқиш кучли эди. Араб ва форс тилларини пухта эгаллаб олган ёш олим жавоҳирлар тўла хазинага кириб қолганди. У кун бўйи институтнинг қўлёзмалар фондида қолиб кетар, асрлар қаърига яширинган маданий бойликларни ҳаяжон билан ўрганарди. Унинг учун бутунлай бир янги олам очилганди. Кунларнинг бирида (бу воқеа 1950 йили содир бўлди, у пайтда Каримов аспирант эди) шу пайтгача фан оламида номаълум бўлган бир қўлёзмани топди. Бу IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган хуросонлик йирик табиб ва кимё олими Абу Бакр ар-Розийнинг «Сирлар сири» китобининг қўлёзмаси эди.

Ёш олим борлиқни унутди. Нимасини айтасиз, ҳозирги замон олимларидан ҳеч бири бохабар бўлмаган, фанга номаълум

РОЗИЙ, ИБН СИНО ВА БЕРУНИЙНИ ЭЛИГА ҚАЙТАРГАН АЛЛОМА

асар — тенги йўқ бойлик, йўқ, бойлик эмас, балки тенгсиз бир мўъжиза унинг қўлида! Қандай қилиб тинч ухласин? Ўқиган сари бу ажиб «сирлар» тадқиқотчини ўз мўъжизалари билан лол қолдираётганди. Қизиқ, Шарқ фанининг етук билағони ҳисобланмиш немис олими Юлиус Руска Розий «Сирлар сири китоби» ва «Сирлар китоби» номли икки асар ёзмаган, иккиси ҳам бир китоб, фақат номи икки хилда аталади, аслида бири иккинчисини такрорлайди, деб уқтириб келаётганди-ку. Унинг илмий ишларида тарғиб қилинган ва жаҳон кимё фани тарихида ҳозиргача охирги сўз, сўнгги хулоса ҳисобланиб келинаётган эди бу фикрлар. Йўқ, бу хато фикр, Ҳар икки асар тамомила мустақил китоблардир. Қўлёзмаларни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиб чиққан, ёш олим ана шундай хулосага келди. Бу ҳақда илмий мақола ёзиб, шу соҳанинг устуниман, деб юрганларга аввалги «кашфиёт»нинг нотўғрилигини исботлади. Олган жавоби эса шу бўлди: «Ким қўйибди сенга бундай ишлар билан шуғулланишни, нима учун бу соҳага бурнингни тиқаяпсан, Руска қаёқда-ю, сен қаёқда».

Каримовдаги ҳаяжон, кўтаринки руҳ бир зумда сўнгандек бўлди. Жанг кўрган йигит эмасми, чекинган кишини номард санайди. Ўйлаб-ўйлаб мақола нусхаларини Москва ва Ленинградга юборди. Натижаси эса ҳеч кутилмагандек бўлиб чиқди. Ўзбекистон Шарқшунослик институти ҳамда мақола муаллифи номига ўша пайтдаги совет арабшуносларининг пири деб тан олинган, кўпгина хорижий академияларнинг фахрий аъзоси ҳисобланмиш академик И. Крачковскийдан хат келди. Унда ёш ўзбек олимининг илмий иши чинакамига фандаги кашфиёт, деб баҳоланганди. «Мақола, — деб ёзганди академик, — фанимизнинг ҳозирги барча талаблари даражасида ёзилган бўлиб, бениҳоя муҳим аҳамиятга эга... Институт ва барча совет фанини буюк мероснинг топилиши билан табриклаш мумкин.

Бу воқеа ўша пайтда Убайдулла Каримовнинг ўзи ишлаётган даргоҳ жамоасига, қолаверса, Ўзбекистон фани намояндаларига келтирган биринчи совғаси, дастлабки шуҳрати эди.

Шунча гаплардан кейин қандай қилиб ишни ярим йўлда ташлаб кетиб бўлади. Тадқиқотчи онадан янги туғилгандек бўлиб, ўша аввалги иштиёқ, завқ-шавқ билан изланишни давом эттирди. Аммо ярқ этган ёруғликка ҳамма ерда ҳам ярақлаш учун тўла имконият берилавермайди. Булутлар ҳамиша улар йўлига тўғаноқ бўлишга уринишади. Ўша «ким қўйибди сенга бундай ишлар билан шуғулланишни» деганларнинг ҳали ҳам айтгани айтган экан. Шу боис диссертацияни ёзиб тугаллагач, Ленинградга кетди ва у ердан филология фанлари номзоди деган илмий унвон билан қайтиб келди.

Кейинчалик Убайдулла «Ар-Розийнинг номаълум асари «Сирлар сири китоби» номли монографиясини рус тилида чоп эттирди. Унда Розийнинг кимёга оид мазкур рисоласини чуқур илмий таҳлил этиб, изоҳлаб берди. Тадқиқот шарқшунос мутахассислар ўртасида катта довруғ қозонди, Шарқ фани тарихини ўрганишга қўшилган бебаҳо ҳисса, деб баҳоланди. Ўша пайтда фан аҳли намояндалари докторлик илмий даражасига арзийдиган иш, дейишганида бу гаплар асоссиз эмас эди.

III. ИЛМИЙ ЖАСОРАТ

— Убайдулла Каримов, покиза ва ҳалол, ўта заҳматкаш инсон, — дейди мамлакатимизнинг йирик шарқшунос олими, филология фанлари доктори, профессор Фирдавсий номидаги Халқаро мукофот совриндори Шоислом Шомуҳамедов. — У киши дабдабаларни ёқтирмайди, турмушнинг ижир-чижир ташвишлари билан ҳам иши йўқ. Ўша Розий ҳақидаги тадқиқотнинг ўзи фан доктори илмий даражасини олишга тўла лойиқ эди. Чунки мазкур илмий иш жаҳон кимё тарихида чин маънодаги кашфиёт эди. У ўз соҳасида шу пайтгача ҳеч ким айтмаган янги гапни айтди. У ўша пайтдаёқ ўзининг юксак баҳосини олганди. Ленинград шарқшуносларининг йиғилишида «У. И. Каримовнинг иши дунё арабшунослиги тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади» деб таъкидлаб ўтилди.

Кейинчалик унга дўстлари «Тиб қонунлари» бўйича амалга оширган бениҳоя кенг кўламли ишларини фан докторлиги илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилишни маслаҳат беришди. Зеро ишнинг салмоғи бўйича бемалол шундай хулосага келиш мумкин эди-да. Ибн Сино таваллудининг минг йиллиги муносабати билан Жаҳон тинчлик кенгашининг даъватига жавобан Ўзбекистон шарқшунослари 1953 — 1961 йиллар мобайнида «Тиб қонунлари»нинг барча беш томини араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, илмий изоҳлар билан нашр этдилар. Бу улкан илмий ишда русча таржиманинг 52 босма табоғи, ўзбекча таржимасининг 33 босма табоғи бевосита Убайдулла Каримов қаламига мансуб. Бундан ташқари, эътибор беринг-а, 280 босма табоқни ташкил этган ана шу беш том асарни муҳаррир сифатида таҳрир қилиб чиқди. 1980—1982 йиллари мазкур ўлмас асар иккинчи ва қайта ишланиб, тўлдирилган нашри ўзбек ва рус тилларида тағин ҳам кенгроқ илмий изоҳлар билан нашр этилди. Бу иш Убайдулла Каримовнинг раҳбарлиги ва бевосита иштироки билан амалга оширилди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, бу чинакамига илмий жасоратдир. Бу қадар кенг кўламли иш камдан-кам олимга насиб этарди. Лекин Убайдулла акадаги ҳалоллик, андиша мазкур ишларни докторлик илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилишга йўл бермади. «Мен бунинг учун алоҳида иш қилишим керак, фанда бутунлай янги гап айтишим керак» деб туриб олди. Шу ишларни ҳимояга қўйганда ўша пайтда ҳеч ким қулоқ қоқмай унга илмий унвон берилишига розилик билдирган бўлур эди. Лекин у бунга кўнмади.

Шоислом ака суҳбатни якунлар экан «Мана, бизнинг Убайдулла ака қандай одам!» деб қўйди. Шарқшунос олим ҳақ гапни айтди. Ўзининг арзимас ишини кўкка кўтариб мақтаб, қазо-казоларни ўртага қўйиб, бирор илмий даража олиш илинжида илмий кенгашларни қайта ва қайта безовта қилаётганларнинг қанчасини кўрдик.

«Тиб қонунлари»нинг ўзбек ва рус тилларида тўла босилиб чиқиши билан айтиш керакки, ҳозирги замон тилларида бу иш биринчи бор Ўзбекистонда амалга оширилди. Фаннинг турли соҳаларидаги мутахассислар томонидан Ибн Сино меросини чуқур ўрганишга кенг йўл очилди, ўтмишдаги улуғ бобомизнинг табобат илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасига бағишланган қатор монографиялар ҳамда кўпгина мақолалар фақат Шарқда эмас, айни пайтда Ғарбда ҳам юзага кела бошлади.

IV. ЖАҲОН ИЛМ АҲЛИ УДДАЛАЙ ОЛМАГАН ИШ

Айни пайтда аллома нигоҳини бундан минг йил аввал яшаб, ижод этган, Туронзамин номини дунёга тараттан яна бир бошқа буюк ватандошимиз — Абу Райҳон Берунийнинг илмий меросини ўрганишга қаратди. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Беруний 150 дан ортиқ асар яратди. Улардан бизгача етиб келганлари 30 га яқин. У астрономия, математика, физика, минералогия, геодезия ва география фанлари соҳасида буюк кашфиётлар қилган. Афсуски, алломанинг ҳозирги авлодлари унинг меросидан тўла баҳраманд эмас эдилар. Чунки, асарларининг айримлари ҳамон қўлёзма ҳолида сақланиб келаётганди.

— Берунийнинг мана шундай нашр этилмаган асарлари ичида энг муҳими ва ҳажм жиҳатидан каттаси, олим ўз умрининг охирги йилларида ёзган асари «Китоб ас-Сайдана фит-тиб» («Табобатда дориншунослик») номли китобидир, — дейди Убайдулла Каримов. — Уқиб ўрганганимдан кейин докторлик мавзуига худди шу, асарни олишни лозим кўрдим.

Яна тунлар кетидан тунлар бедор ўтадиган бўлиб қолди. Тадқиқот жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган жумбоқлар қаторлашиб чиқаверди. Мазкур асарнинг ягона қўлёзма нусхаси 1927 йилда Туркиянинг Бурса шаҳридаги кутубхоналаридан бирида топилган.

Асар билан танишиб чиққач, синчков тадқиқотчи кутилмаган мушкулликларга дуч келди. Қўлёзманинг беш жойидан бир неча варақлари йўқолган, бунинг устига асарни кўчирган котиблар юзлаб атамаларни бузиб ёзишганди. Ман-ман деган чет эллик олимлар қўлёзма билан танишиб чиққач, ана шу қусурлари туфайли китобни тиклаб, ҳам, таржима қилиб, илмий изоҳлаб ҳам бўлмайди, деган тўхтамга келишди. Бу китобни тиклашнинг сира иложи йўқ, дейилгани эди.

Чуқур назарий билим, улкан тажрибага эга бўлган, рус, форс, араб тилларини пухта эгаллаган, юнонча, немисча, инглизча ёзишмаларни луғат ёрдамида мағзини чақа оладиган бизнинг Убайдулла ака шу мураккаб жумбоқни ечмоққа бел боғлади. «Ас-Сайдана»да мингдан ортиқ гиёҳ ва маъдандан тайёрланадиган дориворларнинг тафсифи ва уларнинг араб, юнон, сурёний, ҳинд, форс, хоразмий, суғд, турк ва бошқа тиллардаги номлари келтирилади. Бу тилларни билмай туриб, бунинг устига кимёгар бўлмасдан туриб ишга қўл уриб бўлмасди. Аввало асардаги кемтик жойларни тўлдириш ҳамда қусурларни тузатиш лозим. Шу мақсадни амалга оширишда бирдан-бир манба унинг XIII асрда Абу Бакр Косоний томонидан форс тилига қилинган таржимаси бўлиб, аллома шу икки қўлёзма — арабча асли ва форсча таржимасининг нусхаларига таяниб ишни давом эттирди. Айни пайтда Шарқ табобати ва дориншунослигига оид бошқа қатор муҳим манбалардан ҳам фойдаланди.

— Меҳнат катта эди-ку, аммо унуми жуда суст кечди, — деб эслайди Убайдулла ака. — Сабаби, хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг, юқорида эслатиб ўтилган тилларда биргина атамани, яъни бир сўзни аниқлаш учун ҳафта, баъзан ўн кунлаб вақтим кетарди. Яширмайман, баъзан кўнглимга ғулғула тушарди: урушда олган жароҳатим тез-тез безовта қилиб турадиган бўлиб қолди.

V. ЭЛ ЭЪТИРОФИ — ТЕНГСИЗ БАХТ

Халқимизнинг бой маданий ва илмий меросини бутун дунёга бўй-басти билан кўрсатиш йўлида, қадриятларимизни тиклаш борасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Убайдулла Каримов яна тунларни бедор ўтказмоқда. «Сайдана»нинг ўзбек тилига таржимаси устидаги ишини давом эттиряпти.

— Иш поёнига етай деб қолдими?— сўраймиз ундан..

— Саксон фоизи тайёр. Саломатлик бўлса, халқимга ўз қўлим билан топширсам, деган ниятдаман.

— Ҳазилакам иш қилмагансиз. Айтингчи, кўнглингизда армон борми?

— Инсон бўладику, унда армон бўлмайдими?! Халқимизнинг илмий мероси шу қадар бойки, эндигина унга йўлак очиляпти. Қани энди яратганнинг ўзи умр берса, асрлар қаърига яширинган жавоҳирларни топиб, тартибга келтириб, эндиликда ўзлигини таний бошлаган халқимга тортиқ қилсам. Туронзамин кишилари ким эканлигини, уларнинг илдизларини тўлароқ кўрсатсам. Миллий ғурурни камол топтиришда, бинобарин, ватанпарварлик руҳини илдиз олдиришда мен айтган масалаларнинг аҳамияти чексиз. Айтадиларку, ғар саломатликни берса, муддао кам-кам бўлур, деб. Бошқалар қатори умид билан яшаяпман.

Умидли дунё деб бежиз айтмаганлар. Умидли киши қарамайди, ҳоримайди ҳам.

Шахсий ҳаётда ҳам Убайдулла акага худо берган. Умр йўлдошлари Нафисахон Содиқова олима, тарих фанлари доктори. Ўғиллари Анвар арабшунос. Ҳозирги пайтда Сурияда хизматда. Қизлари Сурайё ҳам ота изидан бормоқда. Худди отасидек аввал кимёгар бўлди, ҳатто фан номзоди илмий даражасини олди. Падари бузрукворининг таъсир кучиданми, ё ўтмишнинг сирли мўъжизаларига қизиқиш кучлилигиданми, ҳар ҳолда, ҳозирги пайтда Шарқшунослик институтида ишламоқда.

Яқинда республика жамоатчилиги Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганлигининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Шу санага бағишлаб ўтказилган тантаналарда юртбошимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади. У йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида Убайдулла Каримовга аталган мукофотни топширар экан, шундай деди: «Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида катта хизмат кўрсатган, илмий меросни ўрганишда алоҳида мактаб яратган зўр олим Убайдулла Каримов Заҳириддин Бобур номидаги медал билан мукофотланади. Бу кишига мукофотни топшириб, муборакбод этишга рухсат бергайсиз».

Залда яна қарсаклар янгради. Меҳнатинг элга манзур бўлса, тан олинса, муносиб баҳо берилса, бундан ортиқроқ бахт борми киши учун?! Чекилган заҳматлар, бедор ўтказилган тунлар бесамар кетмади. Илм аҳли учун, ижод аҳли учун худодан бундан ортиқ яна нимани сўраш мумкин? Ислом фани ҳақидаги халқаро энциклопедияда ҳам ўзбеклардан фақат шу кишининг номи тилга олиниб, илмий ишларига юксак баҳо берилганлиги бежиз эмас. Бошқача қилиб айтганда, алломамиз жаҳон арабшунослиги фанининг етук олими, билимдон мутахассиси сифатида аллақачон тан олинган.

Мактаб яратган устоз! Бу муборак ном ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўша кунги тантаналарда олтин медал олиш икки кишига насиб этди. Шулардан бири биз илмий ишларининг баъзи жиҳатларини ҳикоя қилиб берган алломадир. Кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътибор Убайдулла Каримовга игна билан қудуқ қазишдек сермашаққат изланиш йўлида янги парвозларга куч-қувват бахш этмоқда.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

• *Мардлик—мангулик*

ҲОЖИБОБО

«Бу ерда 1941-45 йиллари 4106-эвакогоспиталь жойлашган эди». Бу сўзлар Тошкент яқинидаги оромгоҳ дарвозасидаги мармар лавҳага ўйиб битилган... У эрталабки беш дақиқали йиғилишни ўтказаркан, ҳаммани назаридан кечирди. Пойгакдаги боши эгик, ғамгин ҳамшираниг ўтириши ёқмади. «Нима бўлдийкин унга?» ҳаёлидан ўтказди бош шифокор. Йиғилишни якунлар экан:

— Ҳаммага жавоб, ишларингизга омад тилайман. Хатирахон, Сиз қолинг, — деди.

«Менда нима гаплари бор экан» деган хаёлда, ҳижолатомуз турган ҳамширани ўриндиққа таклиф қилди.

— Хўш, тинчликми, қизим? Нега хомушсиз?

— Уйда болам алангаюташ. Туни билан ўтириб чиқдим. Боламни қўшнимга қолдириб...

— Ҳозироқ уйингизга боринг. Болангиз соғаймагунча ёнидан жилманг. Ёрдамга тайёрмиз, тортинманг.

У энди ўтирган эди, эшик очилиб, кир ювувчи аёл кўринди.

— Келинг, Мария Афанасьевна.

— Хўш, хизмат?

— Биласизми, — деди у тортиниб, — Володянинам яна ишқал чиқарибди. Шерикларига қўшилиб, дарсларга қатнашмай қўйган экан, техникумдан ҳайдашибди.

Ҳожи Асқарович ходимани тинчлантирди. Ишига йўллади. Йигитчанинг тақдири ҳақида ўйлади.

— Сира иложи йўқ, — деб туриб олди техникум директори, — буйруқ чиққан — гап тамом.

— Укажон, — деди Ҳожи Асқарович, — шу бола жувонмарг бўлмасин. Отаси уруш ногирони бўлиб, ўлиб кетган. Ёлғиз онаси бизда ишлайди, меҳнаткаш аёл. Мен ўзим болани оталиққа олиб, ўқиши, юриш-туриши, тарбияси билан шуғулланаман.

Директорнинг кўнгли бўшашди, Володя ўқишга тикланди. У ўқишини ҳам тугатиб, ишга тушиб кетди. Бир куни Ҳожи Асқаров Қорақалпоғистондан хат олди: «Отахон! Мен Сизнинг яхшилигингизни бир умр унутмайман. Арзимас оқ кўйлак билан бўйинбоғни қабул қилиб, эслаб юрсангиз. Ўғлингиз Володя».

Бундай савобли ишлар Ҳожи Асқаров фаолиятида талайгина. Меҳр-оқибат, саховату ҳожатбарорлик, диёнат ота-онасидан мерос. Қайтар дунё экан, кам бўлмаяпти.

Саксондан ошганига қарамай, ҳали тетик ва бардам отахон суҳбатини олярканман, унинг жонкуяр мураббий, тажрибали шифокор, чин инсонлигига имон келтирдим.

Уруш бошланганда Бухорода тиббий билим юртида энди ишга киришган эди. Ватан ҳимоясига отланди. Аввал Эрондаги қўшинларимиз, сўнгра 99-ўзбек отлиқ дивизиясида Сталинград фронтига қўшилди. Кейин 66-гвардиячи ўқчи дивизия санитарлар взводи командири сифатида жанговарлик фаолияти бошланди.

— 1943 йилнинг бошларида Сталинград остоналаридаги Подпешенск қишлоғи яқинида турардик, — ҳикоя қилади Ҳожи Асқаров аёвсиз жанггоҳларни эсларкан. — Командир мени ҳузурига чақириб, вазиятни тушунтирди: «Ўртада алоқамиз узилгани учун Дон дарёсининг нариги томонига ўтиб, қисмларимизнинг фалон кун-соатда катта ҳужумга ўтиши учун тайёргарлик кўрилаётганлиги, яралору беморларни қабул қилиш чора-тадбирларини кўриш кераклигини хабар қилиб, орқангизга қайтасиз», деди. Йўлга тушдим. Ўқ ёмғири тинкани қуритади, яна изғирин. Шунга қарамай, топшириқни штаб бошлиғига етказдим-да, орқага қайтдим. Эртасига командиримиз аскарлар сафи олдида ўртага чақириб, «Жасорат кўрсатгани учун» медали билан мукофотлади.

Сталинград учун бўлган жангда оғир яралар бўлди.

У госпиталдан соғайиб чиққанидан кейин Курск жангларида, Полтава, Киев шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Ғалабадан кейин Тошкентга қайтгач, ҳарбий госпиталда узоқ даволанди.

1945—58 йилларда у Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарди. Вилоят ижроия қўмитаси раиси муовини бўлди. 1953 йилдан 1979 йилгача соғлиқни сақлаш соҳасида ишлади.

Ҳа, уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, соғлиқни сақлаш дарғаларидан бири, табаррук отахон Ҳожибобо Асқар ўғли ана шундай аломат одам. У кишини Яккасарой туманидаги «Тепа» маҳалласида каттаю кичик ҳурматини жойига қўяди.

Искандар РАҲМОН.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ҲОКИМИЯТ ФАРМОЙИШИ

● **Эндиликда Москвага келаётган чет элликлар мажбурий қайддан ўтишлари шарт.**

Шаҳар ҳокими Юрий Лужковнинг фармойишига кўра, Россия пойтахтига таклиф қилинмаган фуқаролар вақтинча яшаш жойларида мажбурий қайддан ўтишлари ва ҳар бир кун учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлашлари лозим.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛДИ

● **Ўтган куни Ханойда «Гербицидлар ва уруш: инсон ва табиат учун узоқ муддатли асоратлар» мавзуида халқаро симпозиум иш бошлади.**

Унда Вьетнам уруши даврида мамлакат экологиясига етказилган зарар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади, 70 дан ортиқ маъруза тингланади.

ПЛЕНУМ ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

● **Хитой асримизнинг охиригача «Социалистик бозор иқтисодиёти»нинг асосини ишлаб чиқишни мўлжалламоқда.**

ХКП Марказий қўмитаси пленумида 90-йилларда ХХРда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш дастурини қабул қилди. ХКП Марказий қўмитасининг Бош котиби Цзян Цзэминь пленумдаги маърузасида мамлакатда иқтисодиёт равнақ топаётганини, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукм сураётганини таъкидлади.

ШАРТНОМАНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

● **Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раиси Я. Арафат шу йилнинг 12 декабрида Исроил Бош вазири И. Рабин билан учрашади.**

Учрашувда ФОТ ва Исроил ўртасида яқинда тузилган битимни амалга оширишнинг аниқ чора—тадбирларига оид ҳужжат имзоланади. Фаластин давлатининг Мисрдаги элчиси С. Камол журналистлар билан суҳбатда, бу ҳужжат босиб олинган ҳудудларда фаластинликларнинг ўз-ўзини бошқариш тамойиллари ҳақидаги шартноманинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлади.

ИККИ ДАВЛАТ РАҲБАРИ УЧРАШУВИ

● **Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Исломободга расмий сафар қилган Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний билан учрашди.**

Яккама-якка ҳолда ва кенгайтирилган тартибда ўтган суҳбатлар чоғида минтақадаги, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Афғонистон президенти шу куни Покистондан Мисрга жўнаб кетди.

ГФР КАНЦЛЕРИНИНГ САФАРИ

● **Германия Федератив Республикаси канцлери Х. Коль Хитойга расмий сафар қилди.**

Ташрифдан мақсад Хитой билан Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан иборат. Германиядаги ўнлаб йирик ишбилармонлар сафарда Ҳелмут Колга ҳамроҳлик қилмоқда.

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

● **Пуэрто РИКО аҳолисининг аксарияти ўз мамлакати «АҚШга ихтиёрий равишда қўшилган» давлат мақомини сақлаб қолиши тарафдори.**

Яқинда ўтказилган жамоат фикри сўрови натижасида шу нарса маълум бўлди.

Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатнинг 46,2 фоиз аҳолиси Пуэрто Рико АҚШга 51-штат бўлиб қўшилиши учун овоз берган. 4,4 фоиз аҳолигина миллий мустақиллик тарафдори экан. Сўров қонуний кучга эга эмас, зеро у орол аҳолисининг мамлакат келажаги ҳақидаги фикрини билиш учунгина ўтказилган эди, дея хабар беради РАТА-ТАСС мухбири.

БРАЗИЛИЯ ХАЛҚИНИНГ ТАЛАБИ

● **Бразилия Президенти Итамар Франку мамлакат Миллий конгресси депутатлари орасида пораҳўрлар кўпайиб кетганини тан олди**

«Жорнал Ду Бразил» газетаси мухбирининг саволларига жавоб қайтарган Президент, ҳар куни парламентни тарқатиб юбориш ҳақида фикр билдирилган 20 дан ортиқ хат келаётганини маълум қилди. 584 нафар депутат орасидан 100 га яқини пораҳўрлик билан шуғулланиши тахмин қилинмоқда, деди у.

Бразилиядаги аҳоли фикрини ўрганиш институти ўтказган ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакат фуқароларининг 62 фоизи конгресснинг барча аъзоларини пораҳўрликда айбламоқда.

МЕКСИКА ПАРЛАМЕНТИДА

● **Мексика парламенти ҳукуматнинг яқинда қабул қилган ҳисоботини маъқуллamади. Депутатларнинг фикрича, келтирилган рақамларнинг деярли барчаси ҳақиқатга тўғри келмайди.**

Улар мамлакатдаги бечораҳол камбағаллар сони сўнгги беш йил ичида 15 миллиондан 13,5 миллионга қисқаргани ҳақидаги рақамларни кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас, дейишмоқда. Чунки, сўнгги беш йил ичида камбағаллар аввалгидан ҳам кўпайиб кетгани ҳисоб-китобларсиз ҳам барчага маълум. Нафақат чекка қишлоқлар, балки, шаҳар маркази ҳам тиланчиларга тўлиб кетган, деб хабар беради Мексика ахборот маҳкамаси.

РОССИЯ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

● **Собиқ СССР 1991 йилгача 30 йил давомида радиоактив чиқиндиларни денгизга ташлаётгани тасдиқланди.**

Россия табиий бойликлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Виктор Данилов — Данильян, сув ҳавзаларини турли чиқиндилардан ҳимоя қилиш Лондон конвенциясининг 16-сессиясида чиқинди ташлашни мустақил тўхтата олмаслигини, бу ишда Ғарбнинг катта миқдорда моддий ёрдами зарурлигини маълум қилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• *Раҳмат Файзий таваллудининг 75 йиллигига*

МЕҲРНОМА ИЖОДКОРИ

Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шайхонтоҳур туман кенгашининг ташаббуси билан Ҳамза номидаги давлат академик драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий таваллудининг 75 йиллигига бағишланган Хотира кечаси ўтказилади. Қуйида эса улуғ адиб ижодий фаолияти хусусида битилган мақола билан танишасиз.

Ижодкорнинг ўз халқи, ўз Ватани, келажак авлодлари ва тарих олдидаги олий бурчларидан бири ўз халқининг, ўз миллатининг фазилатларини куйлаш, намойиш қилишдир.

Раҳмат Файзийнинг адабиётимиз тарихидаги муқим ўрнини белгилайдиган хизмати ҳам шундаки, у ўзбек халқининг одамийлигини, меҳр-шафқатлилигини ўзига хос тарзда намоён бўлишини «Сен етим эмассан» киноқиссаси ва «Ҳазрати Инсон» романида ишонарли, жозибали қилиб кўрсатиб берди. Маҳкам ака «Ҳазрати Инсон» романининг қаҳрамони «Инсон меҳри, оқибатидан ҳам афзалроқ нарса бўлмаса керак ёруғ оламда», дейди. Яна бир ўринда «Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи!... Одам боласини оқ-қорага ажратманг...», дейди. Бу сўзлар ёзувчи фалсафасини, нуқтаи назарини ифодалайди.

Бу икки асарнинг фазилати шундаки, буларда у шу инсониятнинг бирлиги ва унга хос бўлган меҳр-оқибат фазилатининг ҳар бир миллатда, жумладан ўзбек халқи тимсолида қандай намоён бўлишини ҳаққоний тасвирлаб бера олди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга неча юз минглаб ота-онасиз қолган болалар келтирилди. Ўзбек халқи уларни бағрига олиб, ўз фарзандидай ардоқлаб катта қилди. Шоҳмад ака билан Баҳри опалар инсонлик бурчини адо этган минглаб ўзбек оилаларининг бири эди. Буларнинг ўз фарзандлари йўқ эди. Ёшлари ҳам элликка яқинлашиб қолган. Баъзиларнинг фарзанд кўрмаган одамда болаларга меҳр-шафқат туйғуси бўлмайди деган гапининг мутлақо асоссиз эканлигини ҳам кўрсатади бу воқеа. Ёзувчи романда Шоаҳмад ака ва Баҳри опа исмларини Маҳкам ака ва Меҳри опа деб ўзгартириб, бу образлардаги муштараклик уруғусини кучайтиргандай бўлди.

Дарвоқе адиб ижодига хос яна бир хусусият шундан иборатки, у ҳаётдаги жонли, тайёр қаҳрамонларни кўра олар ва уларни бадиий адабиётга олиб кириш йўлларини яхши билар эди. Тарихий шахсларга суяниб, ўқимишли асар ёзиш мушкул иш. Раҳмат Файзий аввал бир қатор очерк, китоблар эълон қилди. Ҳужжатлилик шу очеркларига ҳам, «Сен етим эмассан» киноқиссаси ва «Ҳазрати Инсон» романига ҳам хос фазилатдир. У ҳужжатлиликни бадиий ҳақиқатни ифодалашга шундай хизмат эттира олдики, натижада «Сен етим эмассан» киноқиссаси ҳам, «Ҳазрати Инсон» романи ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. «Ўзбекфильм» маҳсулоти бўлмиш «Сен етим эмассан» фильми Японияндан тортиб Руминиягача, Германиядан тортиб Вьетнам, Югославия, Мисргача борибб, экранларда кўрсатилди. «Ҳазрати Инсон» ҳам бир неча чет тилларга таржима қилинди. Фильм сценарийси собиқ Ленинград, ҳозирги Санкт-Петербург ва Душанбеда ўтказилган кинофестивалларда биринчи мукофотни олди. Ўша вақтларда «Правда» газетаси авторлар олижаноб кишилар тўғрисида ҳаётий ва таъсирли киноқисса яратиш бахтига муяссар бўлдилар», «Литературная газета» эса «фильм яхшиликка даъват этади, қийинчилик билан курашишга ва уни енгишга ўргатади», деб ёзди. Т. Хетагуров деган томошабин эса «Довюрак Данко ўз кўксини ёриб юрагини қўлига олиб одамларга йўл кўрсатган бўлса, Шоаҳмад ота ва Баҳри опа ўз қалбларини очиб, 14 болани бағрига олди, уларни қалб ҳарорати билан иситди, ота-оналик меҳри билан ардоқлади», деди.

Раҳмат Файзий табиатан юмшоқ, меҳр-оқибатли, пок, мулоҳазали, кечиримли, самимий одам эди. Одамларга амали-лавозимига қараб эмас, балки одамийлигидан келиб чиқиб муомила қилар эди. Унинг қандайдир кишини ўзига жалб этадиган меҳригиёси бор эди. Кўп катта лавозимларда ишлади, лекин бирор ерда биров билан сан-манга борганини ёки овозини қатиқроқ кўтарганини эшитмагандим. Бу борада ҳам унинг ўзбекнинг миллий фазилатларини ўзида мужассамлаштирганини, тўғрироғи ўзида сақлаб қолганини сезиш мумкин эди. Буни икки мисол билан яна тасдиқлаш мумкин. Ўзбеклар фарзандига исм қўяётганда бирорта яқинлари ёки танишларининг исми маъқул келиб қолса, аловатта, уларнинг олдидан ўтади. Раҳмат Файзийда Шоаҳмад акалар тўғрисида киноқисса ёзиш иштиёқи туғилади. Аслида бу ният Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри туфайли пайдо бўлган эди. Раҳмат Файзий Ғафур Ғуломнинг ҳаммаҳалласи эди. Ёшлигидан унинг нафасини эшитиб, ундан таълим олиб ижод майдонига кириб келди. Киноқисса тўғрисидаги ниятини устозига айтиб, шеърнинг номи жуда мос келишини ва тўғрироғи, шу шеърнинг киноқисса йўли билан ифодаси бўлиши мумкинлигини айтиб, рухсат сўрайди. Устози самимийлик билан розилик бериб, ишига ривож тилагандан кейин, катта илҳом ва шижоат билан ишга киришади. Иккинчи мисол: Тўлепберган Қаипбергенов Раҳмат Файзийнинг яқин дўстларидан бири. Бир куни ёзувчининг «Кўз қорачиғи» деган янги романи Нукусда — журналда чиқадиган бўлди. Териб қўйган ерида маҳаллий ҳукумат раҳбарларидан бирига роман тўғрисида нотўғри маълумот берилиб, унинг чиқиши тўхтатилади. Шунда роман ўзбек тилига таржима қилиниб, «Шарқ юлдузи»да босилиб чиқди. Мен романни ўқиб чиқиб маъқул топдим-да, бирор нарса ёзиб, ёзувчини ҳимоя қилсам деб ўйлаб қўйдим. Нукусга бориб роман қаҳрамонларидан бири Яхшилик (бу тарихий шахс эди)ни қидириб топдим ва у билан узоқ суҳбатлашдим. Кейин Раҳмат Файзий билан учрашганда ўз мулоҳазаларимни айтиб эдим, у ҳам романга ижобий баҳосини билдириб, бу ҳақда бирга бирор нарса ёзсак, деб қолди. Мен розилик билдириб, тақризни ёзиб келдим. Тақриз «Шарқ юлдузи»да босилиб чиқди. Шу сонда менинг бошқа мақолам ҳам бўлганлиги учун таҳририят ҳалиги тақриздан менинг фамилиямни ўчириб қўйибди. Буни иккаламиз ҳам билмаймиз. Бу аҳволни кўриб Раҳмат Файзий жуда қаттиқ ҳафа бўлди. Мен парво қилманг, ҳамма гап ёзувчини ҳимоя қилишда иштирок этдик, шу етади, дедим. Бир неча йилдан кейин Раҳмат Файзийнинг публицистик мақолалар тўплами босилиб чиқди. Унда мазкур мақола ҳам бор эди. Унинг остига тақриз полончи билан ҳамкорликда ёзилган эди, деган изоҳ берибдилар.

Унинг табиатида одамларни бир-бирига дўст қиладиган, яқинлаштирадиган қандайдир ички жозиба бор эди. Ундаги зиёли-сифат фазилатлар у турган, у ишлаган муҳитга ижобий таъсир қилар ва у бошқарган ҳар қандай йиғин чиройли, ишчанлик, кўнгилхушлик руҳида ўтар эди. Ўзи ҳам буни сезар эи. Романида Маҳкам акага келган мактублардан бирида «одамни одамга ҳор қиладиганмас, ёр қиладиган сиз каби азиз, меҳрибон Ҳазрати Инсон деб улуғлашга лойиқ ҳамюртларим, ватандошларим билан фахр қиламан, бошим кўкка етади», дейилади. Бу ёзувчининг чин сўзи, бизнинг ҳам дилимиздаги гап. Раҳмат Файзий ўз ижоди билан ўзбек халқининг меҳр-шафқатлилиги, одамийлигини улуғлашга муносиб ҳиссасини қўшди ва авлодлари буни унутмайди, бу туйғуни муқаддас қилиб сақлайди.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ.



СУРАТДА: Раҳмат Файзий хориж сафари олдидан.

БОБОМУРОД БОБОНИНГ ТЎЙИ



Таҳририятга ва бош муҳаррир номига келган мактубларни ўқиб ўтирувдим. Бир хат чиқди. Ёзувчи бадхатроқ. Лекин ўқиса бўлади. **«Аввало сизларга салом ва таъзим. 80 га кирдим...».** Охиригача ўқимадим-да, бирдан хатнинг орқа томонига қистириб қўйилган суратни кўрдим. **Бобомурод ДАМИНОВ...**

Йўқ. Бобомурод бобо (шундай десам тўғрироқ бўлар экан. Нега десангиз у киши таваллуд топган юрт — Қашқадарёда кексаларни ана шундай ҳурмат қилишади-да) тўйдан аввал Тошкентга келмадиям. Биламан, у киши тўрт тарафга хат-телеграммалар, расмий таклифномалар ҳам жўнатмаган. Чунки феъли шунақа. Содда ва жайдари одам. Пойтахтга ҳам келса йилда бир, бўлмаса узоқ кўринмай келиб қолади. Қўлида катакон қоғозларга лиқ тўла сумка. Уч-тўрт газет-журналлар (ҳаммасига эмас)нинг адабиёт бўлимлари эшигини қимтинибгина очади. Бўлим мудирими, ходимими у кишини яхшироқ, очиқ чеҳра билан кутиб олса, истиҳола билан «болам, бир нарсам бор эди. Ташлаб кетай, кўриб қўйинглар. Пичоққа илинса чиқарасизлар. Бўлмаса...» деганларини кўп марта эшитганман. Бобомурод бобо шунақа. Бошқаларга ўхшаб фалон нарсамни ҳозироқ ўқиб бер, нега чиқармайсан, деб юрмайди.

Мен у кишининг каттакатта асарларию, китоб-тўпламларини бирма-бир санаб ўтирмайман. Чунки халқнинг ўзи билади. Фақат тўй баҳонасида у кишининг битта публицистик мақоласини сизларга эслатгим келди.

Ўшанда бутун Ўзбекистонда шов-шувлар тинмаётган, Москвадан келган «десант»чилар гуруҳининг кирдикорлари энди-энди очилаётган эди. Бир куни кутилмаганда Тошкентда барча газета дўконлари олди тирбанд бўлиб кетди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»дан бир дона топиб беринг. Қанча бўлсаям майли...» Ўзи нима гап дейишса, «эшитмадингизми, Шароф Рашидов ҳақида мақола чиқибди. Оқлаб ёзибди...». Шу-шу анчагача бундай гап-сўзлар тинмади. Мақола «қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Ҳатто Москва матбуоти бу ҳақда истеҳзо аралаш луқмаям эълон қилди. Уларга ёқмади-да. Бу мақолада Рашидов ҳақида бор ҳақиқат ва самимий мулоҳазалар билдирилган эди. Катта давлат арбоби ҳақида тўқилган ёлғонлар, туҳмат ва бўҳтонларга илк марта Бобомурод Даминов нуқта қўйган эди. Бу битта далил. Қолганларини қўяверинг.

Бобомурод бобо ҳозир ҳам тинмай ёзаяпти. Самарқандниг гоҳ у, гоҳ бу бурчида доим одамлар орасида учратасиз. Гурунглашиб чарчамайди. Ҳали чоп этилмаган қанча асарлари турибди.

Эртага қадимий Самарқандда катта тўй. Айтилган ҳам, айтилмаган ҳам билади: Бобомурод Даминов саксон йиллик таваллуд тўйини ўтказяпти. Яна эшитмадим демангиз, қолган гапларни у ёқда эшитасиз...

Норқобил ЖАЛИЛ.

БИЗ НАФАС ОЛАЁТГАН ҲАВО

ЕҲУД ОСМОНИМИЗ БЕҒУБОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳаво — бу ҳаёт манбаи. Шу боис Ибн Сино: «Агар ҳавога ҳеч қандай бегона жинс аралашмаса, у ҳақиқатан ҳам саломатликнинг сақланишига ва яхшиланишига хизмат қилади», деб бежиз айтмаган. Тиббиёт илмининг бобокалони чанг ва ғубор бўлмаса, одам минг йил яшаши мумкин, деганида юз карра ҳақ эди. Ҳозирги кунда инсоният олдида турган жиддий муаммолардан бири — атроф-муҳитнинг ифлосланишидир.

Халқимизнинг қадим-қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб, яшаб келаётган ажойиб бир удуми бор: ҳар куни эрталаб ҳовли ва эшик олди супуриб-сидирилади. Бунда, шубҳасиз, атроф мусаффолашиб, чангчунг камаяди. Озодалик остонадан бошланади, деб бежиз айтилмаган.

Атроф-муҳитнинг, умуман ҳавонинг ифлослиги инсон соғлиғига, кони зиён. Тасаввур қилинг: ҳаво ифлос бўлгач, сувлар ҳам ифлосланади. Ҳаводаги ҳар хил қурум, кул ва чанг заррачалар ерга тушади. Уйларнинг деворига, мебель, кийим-кечакларга ўтиради. Энг хавфлиси, киши танасига сингиб, ўпкани зарарлантиради. Олимлар кузатувидан маълум: ғуборли ҳаво қуёш нурларини яхши ўтказмас экан, микроблар кўпаяркан. Микроблар кўпайди деган гап, демак, касаллиқ ҳам кўпаяди, дегани.

Бугунги кунда саноати ва транспорти ривож топиб бораётган шаҳарларда ҳавонинг мусаффолигини таъминлаш ғоят муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, кўмир ва нефтни ёққанда ҳосил бўладиган қурум ва тутунлар атроф ҳавони, айниқса, ифлослантиради. Бир мисол. Икки юз миллион тонна кўмир ва йигирма миллион тонна нефть ёнганда ҳавода 2,1 миллион тонна қурум, 6,3 миллион тонна олтингугуртли газ ва йигирма тўрт миллион тонна ис гази ҳосил қиларкан.

Тиббиёт илми чанг заррачаларининг одам танасига беқиёс зарари хусусида қайта-қайта эслатиб турибди. Шу сабабли айрим кишилар ўзларини ғуборли ҳаводан узоқроқда тутишга ҳаракат қиладилар. Аксарият шаҳар аҳли бўш вақтини кўпинча чорбоғларда, сув ёқаларида, тоғ-у тошларда ўтказадилар. Аслида ҳам она табиат нашъу навосини суришнинг, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Шуларга қарамай, мутахассисларнинг кузатишларига қараганда, инсон қаерда ва қандай шароитда бўлмасин, бекхтиёр ҳаводаги минг-минглаб чанг зарраларини ютар экан.

Тан олишимиз керак, ҳозир ҳаво кўп жойларда ифлосланган. Ҳар хил газлар, заҳарли моддалар соғлигимиз кушандасига айланган. Олимларнинг башорат қилишларича, агар атроф-муҳитимиз ҳавоси шу алфозда ифлосланаверадиган бўлса, вақти-соати келиб тоза ҳаво фақат махсус хоналардагина сақланадиган бўлармиш. Барибир бу «миш-миш» тагида ҳақиқат ётибди. Ғарб матбуотининг ёзишича, ҳозир Лондонда ва яна бир қанча шаҳарларда тоғ ҳавоси махсус баллонларда сотилаётган экан.

Айниқса, шаҳарлар ҳавосининг тозалигини таъминлаш қадимдан одамларни ташвишлантириб келади. 1273 йилда Англия парламенти Лондон ҳавосининг қурумлар билан ифлосланишига йўл қўймаслик мақсадида тошкўмир ёқишни ман этиш тўғрисида қарор чиқарган экан.

Тўғри, бизнинг диёримиз ҳавоси гарчанд Европанинг баъзи саноат ҳудудларидагидек ҳавфли даражага етмаган бўлса-да, атроф-муҳитимиз ҳавоси анча ифлосланиб бораётганлигини хотиржам турибб айтолмаймиз. Гоҳида айрим бефаросат фаррошларнинг кўча чангитиб супураётгани ёки ҳазонни тутатаётганини гувоҳи бўласиз. Тоза ҳаводан нафас олай деб, дарчангизни очсангиз ачимсиқ тутун ҳиди «гуп» этиб, димоғингизга урилади. Авваллари ҳеч ким ҳазонга ўт қўймасди. Йиғиб, қорамолига берарди. Энди-чи, дуч келган жойда ахлат-чиқиндилар аралаш ҳазон тутаб ётганини учратасиз. Қоронғи тушди дегунча, ариқ, зовурлар ёқалари хонадонлардан чиққан ахлат уюмларига тўлиб кетади. Нима қиляпсан ўзи, дегувчи кимса топилмайди.

Навоий ва Чирчиқ каби саноат шаҳарларининг ҳавоси эса кимё корхоналаридан чиқаётган тўқ сариқ тусли тутун билан заҳарланяпти. Айниқса, цемент заводлари атроф-муҳитни ниҳоятда ифлослантирмоқда. Оҳангарон цемент заводи мўрисидан кўтарилаётган цемент чанги ўнлаб километрга етиб бормоқда. Шаҳарларимиз ҳавоси корхоналардан бурқсиб чиқаётган тутунлардан ташқари минг-минглаб автомашиналар дудлари билан ҳам ифлосланаётир.

Баъзи, масалан, кимё, капролактам каби корхоналарда мўриларидан таралаётган заҳарли моддаларга фақат одам боласи «дош» беряпти. Дардига дард қўшилиб, умри қисқариб, сурункали хасталиклар наслдан-наслга ўтиб бормоқда. Атроф-муҳит — дов-дарахтлар, ўсимликлар дунёси тобора заҳарланмоқда. Биргина Яланғоч даҳасидаги Тошкент ГРЭСи блоклари мўрисидан чиқаётган сариқ заррачалар неча ўн чақиримдаги аҳоли ўпкасига ўтириб бўлган. Мазут қурумларига организмимиз ўрганиб кетган, дейди бу ердагилар ҳазиллашиб. Албатта, ҳазил ўз йўлига, лекин ҳазилнинг таги зил... Қизиқ, станциянинг ифлос ҳавони шаффофлаб берадиган қурилмаси лойиҳа пайтида кўзда тутилмаган экан. Кейин-чи? Кейин бу хатони тузатса бўларди-ку! Хорижий мутахассислар биз ёрдам берайлик, деб кўришди, негадир бу таклифга рўйхуш берилмади. Ажабо кимларнингдир бепарволиги, совуққонлиги оқибатида минг-минглаб кишилар бунинг азиятини чекиши керакми?!

Яқинда Чирчиқда яшовчи бир танишимни учратиб қолдим. Унинг ҳарсиллаганини ҳув наридаги одам ҳам эшитади. Бечора, дедим ичимда, бир кўрганимда барзангидай эди, ўпкаси ишдан чиқибдида, хаёлимдан ўтказдим. У фикримни уққандек, ҳасратидан чанг чиқди:

— Капролактам дегани бошимизга битган бир бало бўлди. Ёшу қари унинг дастидан тоза ҳаво ололмаётир. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, дейдилар. Заводнинг биз нафас олаётган топ-тоза ҳавони сўриб олиб, ўзимизга ифлос ҳавони чиқариб бераётгани ёмоннинг бир қилиғи эмас, ўн қилиғидан ҳам ўтиб тушяпти. Биз ҳарсилламай, ким ҳарсиласин, ахир?!

Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг, ҳурматли мушторий!..

Тириклик манбаимиз — сувимиз-чи? Тозами?! Пойтахтимиз ҳудудидан оқиб ўтадиган Анҳор, Салор, Бўржар, Қорасув, Кайковус каби каналлар ва бир қанча йирик ариқларга ҳар хил ташландиқлар, ахлатлар оқизиляпти. Саноат чиқиндилари тоза сувларга ташланмоқда.

Доно халқимиз: «Сувга тупурма»... деб бежиз айтмаган. Бироқ бунга ҳар ким ҳар хил амал қилади Афсуски, ҳамон аҳоли истеъмол қиладиган сув ҳавзалари айрим кишилар ва ташкилотлар томонидан ифлослантирилмоқда. Табаррук кексаларимизнинг ҳикоя қилишича, бир вақтлар ариқлардаги лоҳувард, сув топ-тоза бўлиб одамлар нонни оқизоқ қилиб ейишган. Энди бўлса, аксарият ариқлар ва каналлар суви бўлғаниган. Айниқса, ариқлар қирғоқларига жойлашган баъзи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан санитария ва гигиена қоидаларининг қўпол равишда бузилишига қатъий чек қўйиш пайти келмадимикин?!

Яна бир муҳим масала. Тозалик устидан назорат янада кучайтирилиши керак. Кўриб-кўрмасликка олиш «касаллиги»дан қутулганимиздагина кўзланган мақсадга етишишимиз мумкин.

Ўзимиз яшаб турган шаҳар ёки қишлоқ ҳавосини мусаффо, тоза сақлаш фақат ўзимизга боғлиқ. Бунда биз биринчи галда набоботга суянамиз. Боғроғларда, ўрмон-у ўтлоқлар бағрида ўзингизни тетик ҳис этиб, кайфиятингиз чоғ бўлиши сири нимада эканлиги хусусида ҳеч бир ўйлаб кўрганмисиз?! Ёки бир туп ёш терак ёз давомида бир килограммдан чанг ютиши ҳақида эшитганмисиз?! Йўқ, албатта, фақат она табиат эҳсонига маҳлиё бўлиб, тўйиб-тўйиб нафас оламиз-у, уни умр бўйи кўз қорачиғидек асраш тўғрисида бош қотирмаймиз. Тўқайзорларимиз, арчазорларимиз, бутазорларимиз камаиб кетаётганлигини хаёлимизга келтирмаймиз. Дарахтзорларнинг қирқилиши оқибатида кислород билан карбонат ангидриднинг мутаносиблиги бузилаётганлиги кўпчилигимизни ташвишга солмай қўйган. Биз нафас олаётган ҳавони ғуборлардан покиза қилиб бергувчи дов-дарахтлар нега бесабаб кесилиб кетаётгани суриштириб турилмас экан, саломатлигимиз кушандаси — чанг-тўзон борган сайин ўз ҳукмини ўтказаверіши табиий.

Илмий-тадқиқотлардан шу нарса маълумки, одам турмайдиган бинолардагига қараганда одам кўп юрадиган бинораларда чанг камроқ ўтираркан. Кечасига қараганда кундузи камроқ қўнаркан. Шуниси қизиққи, чанг ҳаводан бир неча юз марта оғир экан.

Чангнинг яна бир нағмасини кўринг. Аксарият иқлимшунослар об-ҳавонинг совушига атмосферанинг чанг босиши кучайиши сабаб, деб баҳолашмоқда. Чиндан ҳам чанг қанча кўпайса, қуёш радиацияси ерга шунча кам тушиб, фазога шунча кўп қайтаркан. Чанг қуёш радиациясини тарқатибгина қолмай, уни ютаркан ҳам, Кўзга кўринар-кўринмас чангнинг иқлимга кўрсатаётган таъсирини кўринг! Борди-ю, чанг қор устига ўтирса, радиациянинг қайтиши камаяркан, океан устига ўтириб қолгудек бўлса, кўпаяркан. Қисқаси, чанг босиши об-ҳавонинг ,совушини ҳам келтириб чиқараётган экан.

Муштарий яна бир нарсани билиб қўйгани яхши. Чунки у ҳеч бўлмаса, хазонни тутатаётганда сергак топар ёҳуд шу ишни қилаётган кимсанинг қўлидан ушлаб қолиб: «Нега тоза ҳавони бўлғатаётирсан?» деб огоҳ қилар. Қаранг, агар қишлоқда яшовчи киши бир минутда қирқ миллионга яқин чанг заррачасини ютса, шу вақт орасида шаҳарлик миллиардлаб ғубор заррасини «ҳазм» қилиб юборар экан. Бунинг устига йирик саноат шаҳарларидаги чанг таркибида маргимуш, марганец, қўрғошин сингари элемент заррлари борки, улар одамлар ўпкасига муттасил ўтириб бориб, заҳарланишни юзага келтираркан. Олимлар кузатишича, чанг юқори ва ўрта нафас олиш йўлларини сурункали яллиғлантирар экан.

Модомики шундай экан, ҳаракат бор жойда чанг заррлари бўлмайди, деган фикрни илм-фан рад этади. Заррлардан яралган олам, деган гапда жон бор, Биз нафас олаётган оламнинг, бошимиз устидаги осмонимизнинг беғуборлиги ҳар биримизга тегишли. Тоза, мусаффо ҳаво эса — саломатлигимиз гарови.

Миршароф МУҲСИМОВ.

СПОРТ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон полвонлари халқаро майдонда ажойиб ғалабага эришиб, мамлакатимиз спорт довруғини оламга ёйишдек хайрли ишга муносиб улуш қўшдилар.

Моҳир самбочиларимиз таниқли полвон Сайфиддин Ҳодиев бошчилигида сафарга йўл олиб, мухлислар ишончини оқлашди. Полвонларимиз Омск шаҳрида жамоа ҳисобида ўтказилган жаҳон чемпионатида зафар кучдилар. МДҲ давлатлари ҳамда Жазоир, Болгария, Марокаш, Тунис ва Франциядан келган самбочилар иштирок этган нуфузли бу мусобақада юртимиз спортчилари жами 43 та медални қўлга киритиб жаҳон чемпионлари номига сазовор бўлишди. Энди вакилларимиз декабрь ойида Львов шаҳрида ўтказиладиган Жаҳон кубоги учун баҳсда иштирок этиш учун ҳозирлик кўрадилар.

ХОТИРА СОВРИНИ

Таниқли футболчи ва тренер Ҳамид Раҳматуллаев хотирасига бағишланган анъанавий мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Хотира соврини учун курашда мамлакатимиз ўнлаб жамоалари қатори Россия ва Қозоғистондан келган ёш футболчилар ҳам майдонга тушдилар. Бош соврин учрашувларда ўн имкониятдан 9 очко тўплаган ёш пахтакорчиларга насиб этди. Магнитогорскнинг «Металлург» футболчилари билан Алмати республика олимпия ўринбосарлари билим юрти талабалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Дарвозаларга ҳаммадан кўп тўп уришда россияликлар биринчи бўлишди. Ғолибларга соврин ва эсдалик буюмлари топширилди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий текшириш ва лойиҳалаш институти бўш лавозимларга конкурс эълон қилади:

— муҳандислик-техника тадбирлари лабораторияси бўлими мудири (фан доктори ёки номзоди);

— бош илмий ходим (фан доктори) 1 ўрин;

— шаҳарсозлик тизимлари ижтимоий инфраструктураси лабораторияси катта илмий ходими (фан доктори ёки номзоди) 2 ўрин;

— муҳандислик-техника тадбирлари лабораторияси катта илмий ходими (фан доктори ёки номзоди) 1 ўрин;

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент, ГСП Навоий кўчаси, 18-уй, илмий котибга.

ТЕЛЕФОН: 41-45-53.

«САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ» ФИРМАСИДА

МОНГОЛ АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ШИФОКОРЛАРИ

сурункали гепатит, гастрит, холецистит, буйрак ва юрак-қон-томир системасининг сурункали касалликлари билан оғриган беморлар маслаҳат-кўригини ўтказмоқдалар ва даволамоқдалар. Улар томир уришига қараб ташхис қўйиш, уқалаш, қон чиқариш, фитотерапия (доривор ўсимликлар) даволаш усулларини мукаммал биладилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ШИФОКОРИ ДУЛАТ ИЛИДАН

ортопедия бўйича беморларни қабул қилади.

У игнатерапия, нуқтали ташхис, термомагнит уқалаш даволаш усулларини мукаммал билади.

Иш тартиби: соат 8.00 дан — 17.00 гача

Манзилимиз: «Правда Востока» кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 33-49-20, 33-80-00.

Фирма сифатли текширув ва даволашнига кафолат беради.

«Шарқшунос ЛТД» фирмаси тугатилади.

Шикоят ва даъволар 1993 йил 1 декабргача ТошДШИ биноси 412-хонада қабул қилинади. (Лоҳутий кўчаси, 15-уй).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон «Зиё» жамияти жамият аъзоси ТошДУ ҳандаса ва топология кафедраси нинг профессори

Мардон Аюпович СОБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқин дўстларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4,44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624.
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—635. № 219. топширилди — 21.30.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.